

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси
тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат ”
кафедраси**

**“Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси
МИРЗАЛИЕВ БУНЁД АЛИШЕР ЎҒЛИНИНГ**

**ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ
ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: Х.А.Каримов ю.ф.ф.д (PhD)

Илмий маслаҳатчи: Ф.З.Мирзаев

ТОШКЕНТ – 2022

Мундарижа

Кириш3-8

**1-БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ
ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИКНИНГ
УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР
ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ9-25**

1.1-§. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари.....9-15

1.2-§. Хорижий давлатларда тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги учун жавобгарлик масалалари.....16-25

**2-БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ
ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК
ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ.....25-45**

2.1-§. Тиббий фаолиятда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятларининг объектив жиноий–ҳуқуқий белгилари ва ўзига ҳос ҳусусиятлари.....26-35

2.2-§. Тиббий фаолиятда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятларининг субъектив жиноий–ҳуқуқий белгилари ва ўзига ҳос ҳусусиятлари.....36-47

**3-БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ
ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК
ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ВА
ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....48-69**

3.1-§. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификация қилиш муаммолари.....48-57

3.2-§. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини олдини олиш чоралари ва жавобгарликни такомиллаштириш масалалари..... 58-69

Хулоса.....70-74

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....75-79

Иловалар.....80-85

КИРИШ

Диссертация иш мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали туб ислохотлар изчил равишда амалга оширилиб келинмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат асослари яққол кўзга ташланади. Шубҳасиз, Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Бу жараёнда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан бир қаторда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш ҳам устувор аҳамият касб этади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январда қабул қилинган ПФ-60-сонли Фармонида кўра, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг II бобида назарда тутилган мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришда Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилиги такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев такидлаганидек, “Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз”¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган байрам табриги маъруза // www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати

Инсон ҳаёти ва соғлиғи жиноят қонуни билан муҳофаза қилинади. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳам инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган қилмиш бўлиб, мазкур жиноят фуқаролар соғлиғи ва ҳаётини асраб-авайлаши зарур бўлган шахслар томонидан содир этилиши боис ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланади. Чунки, инсон ўз саломатлиги ва ҳаётини бунинг учун масъул шахсларга ишониб топширади. Бироқ касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик оқибатида баданга шикаст етказилиши ёки жабрланувчининг ўлиши мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини сезиларли даражада оширади. Ушбу қилмиш бир вақтнинг ўзида тегишли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган тартибга ҳам тажовуз қилади.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, “Жаҳонда беморларнинг 23% га тиббий ёрдам кўрсатилмаган ёки лозим даражада кўрсатилмаган, 0,7 % ҳолатда эса малакасиз тиббий аралашув оқибатида уларнинг ҳаётига хавф солиниб, вафот етган”². Ҳар йили ўртача “АҚШда 100 минг, Буюк Британияда 70 минг, Италияда 50 минг, Германияда 25 минг, Австралияда 18 минг, Венгрияда 10 минг, Исроилда 9 минг, Болгарияда 7 минг ҳамда Испанияда 3 минг киши тиббиёт ходимларининг ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида вафот етади”³.

Юртимизда ҳам тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ жиноятлар ошиб бораётганлигини таҳлиллар кўрсатмоқда. Жумладан, Республика бўйича 2020-2021-йилларда жиноят кодексининг 116-моддаси билан 146 та жиноят иши қўзғатилган, шундан биргина Самарқанд вилоятида 22 та жиноят иши қўзғатилганлиги⁴ сўзимизини тасдиқлайди. Шунингдек, судлар томонидан 2020-2021-йилларда ЖКнинг 116-моддаси билан 197 та шахсга

² Хайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Монография: - 2021 й. 4-б.

³ <https://vawilon.ru/statistika-vrachebnyh-oshibok/#mirovaya-statistika>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 24.06.2020 йилдаги хати.

нисбатан 145 та жиноят ишлари кўриб чиқилган.⁵ Айниқса, сўнги йилларда соғлиқни сақлаш ва бошқа тизимларда амалга оширилган ислохотлар натижасида тиббиёт ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатувчи хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ортганлиги ҳам мазкур жиноятларни ўсишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят-хуқуқий соҳада амалга оширилган қатор ислохотларнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этишга асосланган. Айни дамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон ҳаёти олий қадрият эканлиги эътироф этилди, чунончи, инсон ҳуқуқлари тизимида инсоннинг яшаш ҳуқуқи (24-модда), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда) мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 265-І-сон Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга⁶. Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касб вазифаларини бажариши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай вазифаларни бажармаганлиги одам ўлимига ёки баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфини оширади.

Шунингдек, айтиш жоизки, охириги йилларда касб юзасидан вазифаларини бажармаслик оқибатида жабрланувчиларнинг ҳалок бўлиши ва уларнинг соғлиғига шикаст етказиш ҳоллари кўпайди. Бундан ташқари, амалиётда суд-тергов ходимлари ушбу жиноятларни квалификация қилишда моддалар рақобатига дуч келиб, кўп ҳолларда жиноят қонуни нормаларини тўғри тушунишда баъзи қийинчиликлар туғилади, норманинг бланкетлиги турли қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шундай экан, мазкур ижтимоий хавфли қилмишга қарши жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида курашиш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур диссертация иши мавзусининг

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 05.07.2022 йилдаги хати.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 128-модда.

долзарблиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти айна шу ҳолатлар билан белгиланади.

Магистрлик диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти таркибини комплекс юридик таҳлил қилиш, қонунни қўллаш амалиётида юзага келаётган квалификация қилиш муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ишнинг мақсади ҳисобланади.

Диссертация ишида қўзланган мақсад асосида илмий-тадқиқот олдида қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

– касб юзасидан жумладан, тиббиёт соҳасида ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти тушунчаси ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш;

– хорижий давлатларда тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик учун жавобгарлик жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш;

– Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг объектив ва субъектив белгиларини жиноят-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

– Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификация қилиш муаммолари ёритиш;

– касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик бўйича амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари

Қ.Р.Абдурасулова⁷, М.Ҳ.Рустамбаев⁸, Ф.Тоҳиров⁹, Э.О.Турғунбоев¹⁰, Ш.Д.Хайдаров¹¹ ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Шунингдек, мазкур масалага Н.Н.Аськов¹², И.Н.Сазонов¹³, Ю.А.Власев¹⁴, Г.Г.Карагезян¹⁵, И.В.Серёгин¹⁶, Г.Р.Рустемова¹⁷, К.Лютов¹⁸, Н.Манчев¹⁹ каби олимлар ўз диққат-эътиборини қаратишган²⁰.

Диссертация ишининг объекти ва предмети. Шахсининг ўз касбига бепарволиги ёки инсофсиз муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида вужудга келган ижтимоий муносабатла тадқиқот объекти ҳисобланади.

Диссертация ишининг предмети Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган жинойт қонуни нормалари, ўрганилаётган муаммога доир илмий ишлар, шунингдек, кўрсатилган тоифадаги ишлар бўйича суд-тергов амалиёти

⁷ Абдурасулова Қ.Р. Жинойтнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 124.; Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 227

⁸ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жинойт ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-том: Шахсга қарши жинойтлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жинойтлар. Дарслик. – Ташкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 126-129.;

⁹ Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жинойтлар ва уларнинг юридик таҳлил. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбаев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.51.;

¹⁰ Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида қолдириш жинойтининг фарқ қилувчи белгилари. / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. 2010 йил № 1. – Б.113-114.;

¹¹ Хайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жинойт-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Монография: – Тошкент, 2021 й. 4-б.

¹² Аськов Н.Н. Уголовно-правовые предписания об обстоятельствах, исключают преступность деяния, в применении медицинскому работнику дисс. ...канд. юрид. наук. – Самара., 2021. – С. 153.;

¹³ Сазонов И.Н. Медицинский работник как специальный субъект преступления: Учебное пособие. – СПб., 2005. – С.29.;

¹⁴ Власев Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С. 123.;

¹⁵ Карагезян Г.Г. Ответственность за преступления, совершенные вследствие ненадлежащего исполнения лицом своих профессиональных обязанностей: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 82.;

¹⁶ Серёгин И.В. Причины должностной халатности в сфере медицинского обслуживания населения: Монография. – Барнаул, 1999. – С. 33.;

¹⁷ Рустемова Г.Р. Криминологические проблемы предупреждения преступлений в сфере медицинского обслуживания населения. – Алматы: Норма-К, 2003. – С. 28.;

¹⁸ Лютов К. Профессионална непредпазливост в наказателно право. – Болгария – София, 2003. – С.4.;

¹⁹ Манчев Н. Преступления против живота и здравето на човека. – София: Наука и изкуство, 2004. – С. 235.

ташкил этади.

Ишнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, Ўзбекистон Республикасида касб юзасидан ўз вазфаларини лозим даражада бажармаслик жинояти учун жиноий жавобгарлик муаммоларини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш борасидаги уринишлардан бири ҳисобланади. Касб юзасидан ўз вазфаларини лозим даражада бажармаслик жиноятига қарши кураш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг қиёсий-ҳуқуқий ва комплекс таҳлили асосида уларнинг такомиллаштиришни талаб этадиган энг муҳим ва кам ўрганилган қоидалари аниқланди.

Тадқиқот натижасида жиноят қонунини такомиллаштиришга оид норматив-ҳуқуқий муаммоларнинг ўзига хос ечими сифатида янги тушунчалар, илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб асослаб берилди.

Диссертация иши натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот иши жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жиҳатидан чуқур ўрганиш ва унинг моҳияти ҳақидаги илмий тасаввурларни ривожлантиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга қаратилган.

Тадқиқотининг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, олинган натижалардан жиноят қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги қонунчилик фаолиятида ва қонунни қўллаш амалиётини янада яхшилаш, шунингдек мавзуга оид дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа илмий изланишларда фойдаланилиши мумкин.

Диссертация ишида қўлланилган методиканинг тавсифи. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари ва тадқиқот мавзусига оид материаллар битирув малакавий ишига манба бўлиб хизмат қилган. Битирув малакавий иши мавзусининг тизимли-тузулмавий, диалектик, мантиқий, расмий, анализ, қиёсий-тарихий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олтига параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ва иловаладан ташкил топган. Ишнинг ҳажми **80** бетдан иборат.

1-БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

1.1-§. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари

Инсон саломатлиги олий қадрият бўлиб, уни тўғри муҳофаза қилиш жамият ҳаётининг муҳим шартидир. Тиббиёт ходимига ўз соғлиғини ишониб топширган инсон унинг юқори билим ва кўникмаларига ишонади, ҳамда сифатли ва хавфсиз тиббий ёрдам олишга интилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги белгиланган. Бундан ташқари, Конституциянинг 40-моддасига кўра, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қатъий норма сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 265-І-сон Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирки, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъий назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қондани бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар деб белгиланган.

Тиббий ёрдам соҳасидаги жиноятлар барча касбий ҳуқуқбузарликлар ичида энг хавфлиси бўлиб ҳисобланади, чунки тиббиёт ходимларининг фаолияти инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш хавфи билан муқаррар равишда боғлиқдир. Бунда, сабабий боғланиш ва оқибат муносабатларини

аниқлаш жуда муҳим, чунки жавобгарлик фақат шифокорларнинг бахтсиз оқибатларга олиб келган ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келади. Қоидага кўра, бу жиноят еҳтиётсизлик натижасида содир бўладиган жиноятлар тоифасига киради.

Тиббиёт ходимларининг виждонсиз хатти-ҳаракатлари (етарли диагностиканинг йўқлиги, нотўғри ташхис қўйиш, даволанишни кечиктириш ва ҳ.к.) каби субъектив сабаблар кўпинча ёш мутахассисларда тажриба ва билимларнинг етишмаслиги ва аксинча, тажрибалироқ ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириб юбориш билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Бироқ, соғлиққа зарар етказилиши билан тугалланган ҳолатлар ҳар доим ҳам шифокорлар томонидан ўз касбий вазифаларини нотўғри бажариш билан боғлиқ эмас. Бунда, шифокорларнинг улар томонидан бажариладиган ҳаракатларига муносабатини аниқлаш катта аҳамиятга ега. Шундай қилиб, бахтсиз ҳодиса, шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатишдаги англаб қилинган оқилона хатоси, шунингдек, фавқулотда ёки хавф шароитида содир этилган хатти-ҳаракатлари шифокорнинг билим ва кўникмаларига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра содир бўлади ва шу сабабли мазкур ҳолатда тиббиёт ходимларини ҳаракатларини жиноят сифатида эътироф этилмаслигини лозим.

Шу муносабат билан тиббий ёрдамни нотўғри кўрсатиш ёки ўз кабини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Муайян соҳа вакилларининг ўз касби билан боғлиқ ҳолдаги жинойий жавобгарлигининг хусусиятлари уларнинг субъект сифатидаги алоҳида мақоми билан боғлиқ ва улар касбий фаолиятининг ижтимоий моҳияти билан белгиланади. Муайян соҳа ходимлари касбий фаолиятининг ижтимоий мазмун ва моҳияти фуқароларга маълум бир хизмат турларини кўрсатиш, уларни бошқариш ва унинг кўрсатилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборатдир. Муайян соҳа ходимлари фаолиятининг

асосий мақсади фаолият туридан келиб чиққан ҳолда инсон ҳаётини сақлаш, унинг соғлиғи ҳолатини яхшилаш, шахс дахлсизлигини ва хавфсизлигини таъминлаш кабилардан иборат экан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликда ифодаланувчи қилмишнинг жиноийлиги шахс ҳаёти, соғлиғи, дахлсизлигига зиён етказиш билан боғлиқ эканлиги табиий бир ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган “Касб билан боғлиқ жиноятлар” деганда, ходимларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида инсон ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказган ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик) тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида турли касб эгаларининг жавобгарлигига доир бир неча янги махсус нормалар эмас, балки умумий нормалар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмида шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Шу модданинг иккинчи қисмида қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги туфайли баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик айти шу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси тўртинчи қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида

одамлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган.

Шу ўринда ушбу жиноятга оид асосий тушунчаларга тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича, “касб – иш фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; ҳунар”²¹. “Вазифа – амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад, мақсадли иш”²². “Касб вазифалари” деганда, шахснинг иш фаолиятдан, касбидан келиб чиқиб амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар тушунилади.

Бурч асосан қоидалардан, ахлоқий нормалардан келиб чиқади, мажбурият эса, аксар ҳолларда шартнома ва битимлардан келиб чиқади; бурч шахс туғилганидан то умрининг охирига қадар давом этади, мажбурият эса, шартноманинг амал қилиш даврида бўлади; шунингдек, бурч давлат ва жамият томонидан белгиланиб, унинг бажарилиши талаб этилади²³. Қайд этиш керакки, касб юзасидан бажариладиган вазифалар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 73-моддасига кўра ходимнинг меҳнат вазифаси деганда унинг мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим ҳисобланади.

Юқоридагиларни Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-модда-сига татбиқ этадиган бўлсак, касбий вазифа ва мажбурият бузилган тақдирда жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин. Чунки, бурч – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча бўлиб, у инсоннинг ички кечинмалари, ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини ифодалайди. Шунингдек, бурчлар аниқ ва чекланган доирада бўлиб, улар ҳарбий хизмат, ота-оналик,

²¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 328.

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 433.

²³ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.А.Азизхўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 194.

фарзандлик бурчлари кабилардан иборат бўлиши мумкин. Бурч бажарилмаганида, ишнинг ҳолатларига кўра, жинойт қонунининг тегишли моддаларига кўра жиноий жавобгарлик юзага келиши мумкин.

Шунингдек, касбий вазифа ва мажбурият тушунчаларини ҳам ўзаро фарқлаш лозим. Ушбу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, юзага келиш асоси (манбаи)га кўра фарқланади. Касбий мажбурият коида тарикасида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, келишув асосида вужудга келади; касб вазифаси эса, шахснинг аниқ касбий фаолияти доирасида меҳнат шартномаси асосида келиб чиқади. Яъни, муайян иш шахсга фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида юкланган бўлиб, унинг ўз ишини лозим даражада бажармаслиги натижасида ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатлар келиб чиқса, бунда мажбурият бузилган бўлади. Жумладан, боғча тарбиячиси Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида кўзда тутилган жиноят субъекти бўлган тақдирда, у ўз касб вазифасини лозим даражада бажармаган, худди шундай вазиятда энага (фуқаровий-ҳуқуқий тартибда болага қараш учун ёлланган шахс) ўз касбий мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, унинг оқибатида қонунда назарда тутилган оқибат рўй берса, юқоридаги модда асосида жавобгарлик юзага келади. Лекин, бу тушунчаларни фарқлаш ёки уларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш жиноятни **квалификация қилишга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.**

Профессор М.Х.Рустамбаевнинг ёзишича, “Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик – шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасига кирувчи ҳаракатларни қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳоллардаги ҳаракатсизлигидир. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлик, деганда шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасидаги ҳаракатларини унинг иши, касбий фаолияти талаб этганидек бажармаганлиги тушунилади”²⁴.

²⁴ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-том: Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 127.

Профессор Ф.Тоҳиров эса бу борада шундай дейди: “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги нафақат айрим ҳаракатсизлик ёки ҳаракатда, балки узоқ муддатли фаолиятсизликда ёки лозим даражада бажарилмаган бир қатор ҳаракатларда ҳам намоён бўлиши мумкин”²⁵.

Шунингдек, М.Қодиров, М.С.Восиқова, Б.А.Аҳмедов, Б.А.Блиндер, С.Г.Закутский, М.Г.Икрамова, Ф.И.Мухитдиновлар томонидан ҳам юқоридаги муаллифларнинг фикрига ўхшаш мулоҳазалар билдириб ўтилган.

Бундан ташқари, Э.О.Турғунбоевнинг таъкидлашича, “Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик – бу шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасига кирадиган амалларни бажариши лозим ва шарт бўлган ҳолатларда бажармаслигидир. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик шахснинг бажариши шарт бўлган мажбуриятларни расмий ижро этиб, пухта ёки тўлиқ бажармаганлиги билан изоҳланади”²⁶.

Юридик энциклопедияларда мазкур жиноят тушунчасини ёритишда асосан касалга ёрдам кўрсатмаслик, яъни қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлгандаги ҳолат изоҳланган²⁷.

Бу борада Е.К.Сенекосова “профессионал малакасизлик” ва “инсофсизлик” каби тушунчаларни (тиббиёт ходимларига нисбатан) киритишни таклиф қилади. Муаллифнинг фикрича, “Профессионал малакасизлик” деганда, тиббий ходимнинг касбий тайёргарлик даражасининг ушбу соҳа бўйича ходимлар учун белгиланган талаблар ва

²⁵ Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлил. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.83.

²⁶ Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятининг фарқ қилувчи белгилари. / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. 2010 йил № 1. – Б.113.

²⁷ Ўзбекистон Юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 239; Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихоновнинг умумий таҳририда. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 220.

малакага мос эмаслиги тушунилади. Инсофсизлик деганда эса, қонунчилик талаблари, мансаб йўриқномаси, тиббиёт фанининг умумэтироф этилган қоидалари, тиббий этика ва талабларига расмиятчилик сифатида ёндашган ҳолда уларга амал қилмаслик оқибатида касбий (мансаб) мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик тушунилади²⁸.

Таъкидлаш ўринлики, адабиётларда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг айнан тиббиёт ходимлари томонидан содир этилишининг турли жиҳатлари атрофлича ўрганилган³. Бу аввало, суд-тергов амалиётида ҳам ушбу жиҳоят айниқса тиббиёт ходимлари томонидан кўп содир этилиши билан изоҳланади. Чунончи, ЖК 116-моддаси бўйича республика судларида кўрилган 200 та жиҳоят иши материаллари ўрганилганда, ушбу жиҳоят асосан тиббиёт ходимлари (94%) томонидан содир этилганлигини кўрсатди²⁹. Шу билан бир қаторда ушбу жиҳоят ишлари материаллари таҳлили мазкур жиҳоят кўпроқ оилавий поликлиника мудирлари, бош шифокор, бош шифокор муовини, жонлантириш бўлими мудирлари, туғруқ комплекси мудирлари, акушер-гинекология бўлими мудирлари, акушер-гинеколог, жонлантириш бўлими шифокори, анестезиолог-реаниматолог, реаниматолог шифокори, хусусий шифохона мудирлари, хусусий шифохона гинеколог шифокори, умумий амалиёт шифокори, навбатчи шифокор, жарроҳлик бўлими жарроҳи томонидан содир этилганлигини кўрсатмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик масаласига алоҳида, атрофлича тўхталиб ўтиш зарур. Чунки, ушбу жиҳоятнинг айнан тиббиёт ходими томонидан содир этилиши ўзига хос жиҳатлари билан тавсифланади, бу аввало тиббиёт ходимининг касб юзасидан бажарадиган вазифаларнинг алоҳида хусусиятга эга эканлиги

²⁸ Сенекосова Е.К. Профессиональная некомпетентность и недобросовестность при оказании медицинской помощи: криминологические и уголовно-правовые аспекты: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2018. – С.10.

²⁹ Республика бўйича тўпланган 200 та жиҳоят иши материаллари таҳлили асосида бундай хулоса чиқариш мумкин.

билан изоҳланади. Айни шу сабабли тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслигига доир ишларни таҳлил қилганда ўз касбига нисбатан бепарволик ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиш туфайли шикаст етказишни ташхис қўйишдаги қийинчиликлар, лозим даражада даволаш имкониятларининг йўқлиги каби сабаблардан фарқлаш муҳимдир. Тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида одам ўлими юз бергани гумон қилинганда, тергов ва суд суд-тиббиёт экспертизаси натижаларига мувофиқ ҳал қиладиган бош вазифа инсон ўлими ёки баданга оғир шикаст етказиш тиббиёт ходимининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлик билан бевосита алоқадорлигини аниқлашдан иборат³⁰.

Адабиётларда “касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик” тушунчасига Ю.Д.Сергеев ва С.В.Ерофеевнинг монографиясида айниқса тўлиқ ва аниқ таъриф берилган. Улар айнан тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик деганда, тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини бузиб, айрим фуқаролар соғлиғига жиддий зиён етказган (ёки амалда етказиши мумкин бўлган) ёки уларнинг ҳаётига хавф туғдирган қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этишини тушунадилар.

Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик тушунчасига берилган мазкур таъриф ушбу жинойт таркибининг мазмунига ва юридик адабиётларда берилган таърифларга айниқса яқиндир. Юқорида келтирилган таърифга кўра, муаллифлар мазкур жинойтлар қасддан ҳам, эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Тиббиёт ходимлари беморларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши содир этадиган жинойтларга доир ишлар бўйича тергов ва суд

³⁰ Бондаренко Д.В. К вопросу о юридической ответственности медицинских работников // Медицинское право. 2006. №4.

амалиёти эса бундай қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилишини кўрсатади.

Масалан, 2017 йил 16 февралда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қибрай тумани судида судланувчи М.га нисбатан ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми бўйича қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилган. Унга кўра, судланувчи М. Тошкент вилояти Қибрай тумани Тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосари ва кўшимча жарроҳ шифокор лавозимида ишлаб келиб, 2016 йил 30 апрель куни тахминан соат 23:50 да Тошкент вилояти Қибрай тумани Тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимига йўл транспорт ҳодисаси натижасида оғир даражадаги тан жароҳатлари билан олиб келинган бемор З.ни қабул қилиб, уни операция қилиш жараёнида ўз касбига нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлгани натижасида бемордаги ички қон кетишни аниқламаган ҳамда ўз касб вазифаларини лозим даражада бажармай, операция давомида беморни қон ва қон препаратлари билан таъминлаш чораларини кўрмаганлиги натижасида беморнинг қон босими тушиб, соғлиғи ва ҳаёти учун ортга қайтмас жараёнлар кетма-кет шаклланиб, бемор жонлантириш бўлимида вафот этган³¹. Мазкур ҳолатда ҳам судланувчининг қилмишга ва оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Юқоридагилар асосида жиноят ҳуқуқи фанида “касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик” атамасига берилган таърифлар таҳлили асосида “Айбдорнинг касб юзасидан жумладан, тиббиёт ходимининг ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги” деганда, “тиббиёт ходимининг унга касб юзасидан ўз вазифаларини бажараётганида совуққонлиги ёки виждонсизларча муносабати, бажараш шарт бўлган вазифаларини бажармаслиги, расмий талаблар, қонун-қоидаларга тўлиқ ёки қисман мувофиқ келмайдиган

³¹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қибрай тумани судининг 2017 йил архив матераллари.

хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги тушунилади”, деган хулосага келиш мумкин.

1.2-§. Хорижий давлатларда тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги учун жавобгарлик масалалари

Дарҳақиқат, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик, жумладан тиббиёт ходимларининг ўз касбини лозим даражада бажармаслик жиноятига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги айрим хорижий давлатлар жиноят қонун нормаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар тузилиши ранг-баранглиги билан тавсифланади. МДХга аъзо мамлакатлар – Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия, Молдова, Эстония, шунингдек, ривожланган мамлакатлар Корея, АҚШ, Франция, БАА ҳамда Германия давлатларининг Жиноят кодексларининг таҳлили уларда ҳам тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари учун жавобгарлик назарда тутилганлигини кўрсатади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган хорижий давлатларни жиноят қонунчилиги хусусиятига кўра қуйидагича ажратиш мумкин:

Қўшни давлатлар (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон);

МДХ давлатлари (Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Озарбайжон, Арманистон ва бошқ.);

Ривожланган давлатлар (Франция, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея ва бошқ.).

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг “Шахсларга тиббий ва фармацевтика хизматларини кўрсатиш соҳасидаги жиноятлар” га бағишланган 22-бўлимида “Тиббиёт ёки фармасевтика ходимининг касбий вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги” деб номланган 146-моддаси ўз аксини топган³². Ушбу кодексга кўра, тиббий ёрдам кўрсатиш мажбурияти ва имкони бўлган бўлган тиббиёт ходимининг узрсиз сабабларга кўра, беморга тиббий ёрдам кўрсатмаслиги, тиббиёт ва фармацевтика ходимининг ўз касбий мажбуриятларини бепарволик ёки эҳтиётсизлик оқибатида бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, ҳисобланган кўрсаткичнинг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорида жарима солиш ёки икки йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай қилмиш, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, соғлиғига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, ҳисобланган кўрсаткичнинг 500 бараваридан 1000 бараваригача миқдорида жарима солиш ёки икки йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 317-323-моддаларини ўз ичига олган 12-боби яъни “Тиббий жиноятлар” бевосита тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган жиноятларга бағишланган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖК 117-моддаси “Тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг касб вазифаларини лозим даражада бажармаслик” учун жавобгарлик кўзда тутилган. Унга кўра, тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг касб вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги бепарволик натижасида инсон соғлиғига ўртача шикаст етказганлигига сабаб бўлса жавобгарликка асос бўлади. Ушбу

³² <http://cbd.minjust.gov.kg>

модданинг иккинчи қисмида оғир шикаст етказишига сабаб бўлса, учинчи қисмида одам ўлиши тариқасидаги оқибат, тўртинчи қисмида икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлимига сабаб бўлиши учун жазо белгиланган. Тиббиёт ходимининг бепарволик натижасида касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИТС вируси юқишига сабаб бўлса қилмиш ушбу модданинг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши³³.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 320-моддаси “Касалга ёрдам кўрсатмаслик” деб номланиб, унга кўра, қонун ёхуд махсус қоидаларга мувофиқ беморга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахснинг узрли сабабларсиз бундай ёрдам кўрсатмаслиги эҳтиётсизлик орқасидан беморнинг соғлиғига ўртача оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса (1-қисм); шундай қилмиш эҳтиётсизлик орқасидан беморнинг ўлимига ёки соғлиғига оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса (2-қисм) жиноят деб топилади³⁴.

Тожикистон Республикаси ЖКнинг 129-моддасида юқоридаги модда билан узвий боғлиқ бўлган тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда, тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларига нисбатан виждонсиз ёки эҳтиётсиз муносабатда бўлишлари натижасида уларни бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари оқибатида мижоз саломатлигига ўртача оғир тан жароҳати етса (1-қисм); шундай қилмишлар натижасида соғлиққа эҳтиётсизлик орқасидан оғир тан жароҳати етса ёхуд мижоз ўлимига ёки ОИТС юқишига сабаб бўлса (2-қисм); шундай қилмишлар эҳтиётсизлик орқасидан инсонлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса (3-қисм) қилмиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади³⁵.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 124-моддасида ҳам

³³ Уголовный кодекс Республики Казахстан. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2018. – С. 466.

³⁴ Уголовный кодекс Республики Казахстан. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2018. – С.466.

³⁵ Уголовный кодекс Республики Таджикистан. – Душанбе: Ирфон, 2018. С. 325.

“Касалга ёрдам кўрсатмаслик” жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан таъқиқланган. Унга биноан, қонун ёхуд махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган шахс томонидан бундай ёрдам кўрсатмаслик, башарти у эҳтиётсизлик орқасидан касалга ўртача оғир шикаст етишига сабаб бўлса, қирқ минг рубл ёхуд энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади, башарти бундай қилмишлар касалга эҳтиётсизлик орқасидан оғир тан жароҳати етиши ёки ўлими келиб чиқишига сабаб бўлса, қилмиш уч йилгача озодликдан маҳрум этган ҳолда уч йилгача муайян мансабни эгаллашни таъқиқлаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Россия Федерацияси ЖКда шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги туфайли содир этиладиган жиноятларига оид бир нечта норма мавжуд. Масалан, Россия Федерациясининг жиноят кодекси 109-моддаси иккинчи қисми (шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш); ЖК 118-моддаси иккинчи қисми (шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида соғлиққа оғир зиён етказиш); ЖК 122-моддаси тўртинчи қисми (шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли ОИВ касаллигини юқтириш).

Бундан ташқари, Украина Жиноят кодексида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ бўлган бир нечта жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, унда “Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИТС вирусини юқтириш” (131-модда), “Ҳаёт учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик” (136-модда), “Болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик” (137-модда), “Тиббиёт ходими томонидан касалга ёрдам кўрсатмаслик” (139-модда), “Тиббиёт ёки фармацевтика ходимлари томонидан касб

юзасидан вазифаларини лозим даражада бажармаслик” (140-модда) учун жиноий жавобгарлик мустаҳкамланган. Хусусан, ЖК 137-модда диспозициясида баён этилишича, вояга етмаганлар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича касбий ёки хизмат мажбуриятларига нисбатан виждонан ва эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик туфайли уларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик жабрланувчи соғлиғига жиддий зиён етказса (1-қисм); ушбу қилмишлар вояга етмаганнинг ўлимига ёки бошқача оғир оқибатга сабаб бўлса (2-қисм) қилмиш жазоланади.

Украина ЖКнинг 139-моддасида баён этилишича, белгиланган қоидаларга биноан ёрдам кўрсатиши лозим бўлган тиббиёт ходимининг узрли сабабларсиз касалга бундай ёрдам кўрсатмаслиги, башарти бемор учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги унга олдиндан маълум бўлган бўлган бўлса (1-қисм), шундай ҳаракатлар касалнинг ўлими ёки оғир тан жароҳати етишига сабаб бўлса (2-қисм) айбдор жиноий жазога тортилади. Украина ЖКда “Тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги бемор учун оғир оқибатларга сабаб бўлса” деб номланган 140-модда мавжуд. Ушбу норманинг диспозициясида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ҳам, уларни лозим даражада бажармаслик ҳам кўрсатиб ўтилган. Мазкур таъриф тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган ҳаракатлар ва ҳаракатсизликнинг кенг доирасини қамраб оладики, бу ҳол мутлақо ўринлидир. Ушбу моддада жиноят субъекти тиббиёт ва фармацевтика ходимлари эканлиги кўрсатилган. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъектлари доираси, бизнингча, унча тўлиқ эмас. Бундай аниқлаштириш шундай бир вазият юзага келишига сабаб бўлиши мумкинки, бунда турдош соҳалар (генетика, микробиология ва бошқалар) билан шуғулланувчи янги шахсларнинг пайдо бўлиши Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Украина ЖКда “Эҳтиётсизлик орақасида одам ўлдириш” учун

(119-модда) ва “Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш” учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ҳам мавжуд. Иккинчи ҳолда 140-модда билан солиштирганда енгилроқ жазо – жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш назарда тутилган. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш учун жазо кучайтирилган – уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд айти шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Украина ЖКнинг “Тиббиёт, фармацевтика ходими ёки бошқа ходимнинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги шахс ОИТС касаллигини ёки инсон ҳаёти учун хавfli бўлган бошқа бедаво юқумли касалликни юктиришига сабаб бўлса” деб номланган 131-моддаси махсус норма ҳисобланади. Мазкур қилмиш учун уч йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек уч йилгача муддатга муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш назарда тутилган. Бунда сўнгги зикр этилган жазо мажбурий ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида “ўша ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилган бўлса” деган жавобгарликни оғирлаштирувчи белги мустаҳкамланган. Мазкур қилмиш учун жазо сифатида уч йилгача муддатга муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Юқоридагига ўхшаш қоидалар бошқа МДХ давлатларининг жиноят кодексларида ҳам назарда тутилган. Хусусан, Туркманистон Жиноят кодекси 119-моддаси (Беморга ёрдам кўрсатмаслик), 120-модда (Тиббиёт ходимларининг профессионал вазифаларини лозим даражада бажармаслиги), 121-модда (Вояга йетмаган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш бўйича вазифаларни лозим даражада бажармаслик)³⁶;

³⁶ «Нейтральный Туркменистан» газетаси; - 2022 й. 5-б.

Беларусия жиноят кодекси 161-моддасида (Беморга тиббий ёрдам кўрсатмаслик), 162-модда (Тиббиёт ходимларининг касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги), 165-модда (Болаларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик)³⁷; Малдавия жиноят кодекси 162-моддасида (Беморга ёрдам кўрсатмаслик), 160-модда (Жарроҳлик стерилизациясини ноқонуний амалиёти)³⁸;

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, кўпгина МДХ мамлакатларида, жумладан Украина, Қирғизистон, Туркменистон ва Беларусия жиноят кодекси моддаларида тиббиёт ходимларинг ўз касбини лозим даражада бажармаганлиги алоҳида модда сифатида амалиётга жорий қилинган. Лекин Ўзбекистон жиноят қонунчилигида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлик учун битта модда яъни 116-модда билан чекланиб, унинг 2-қисмида Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахсинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги банди киритилган, мазкур таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятлари бўйича ривожланган давлат жиноят қонунчилиги ҳам ўзига хослиги билан ажаралиб туради. Масалан, Германия, Франция, Корея ва Америка давлатларида мазкур масала қонунчиликда кенг ёритиб берилган.

Масалан, Франция Жиноят кодексида касб эгаларининг ҳам, фуқароларнинг ҳам ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Кодекснинг инсон ҳаётига эҳтиётсизлик орқасида қилинган тажовузлар ҳақида, деб номланган 221-б-моддасига кўра: “Бепарволик, эҳтиётсизлик, эътиборсизлик туфайли ёхуд хавфсизлик ёки эҳтиёткорлик талабларига риоя этиш мажбуриятини бажармаслик

³⁷ <https://online.zakon.kz/>

³⁸ <http://continent-online.com/>

натижасида бошқа одамнинг ўлимига олиб келган ҳаракатларни содир этиш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ҳисобланади”³⁹. Шунга ўхшаш норма эҳтиётсизлик орқасида соғлиққа зиён етказишга нисбатан ҳам назарда тутилган. Ушбу норма субъектив томондан эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилади. Айтилган Франция Жиноят кодексига хавфсизлик ёки эҳтиёт чораларини кўриш бўйича зиммасига юкланган касб вазифаларини қасддан бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари белгиланган. Франциянинг янги ЖК да кўриб чиқилаётган нормаларини 1810 йилги ЖК билан солиштирганда бутунлай янгича шакл-шамойил ва мазмун касб этди. Чунончи, эски ЖКда “Эҳтиётсизлик орқасида ҳаётдан маҳрум қилиш, жароҳатлаш ва дўппослаш” деб номланган битта умумий норма (319-модда) назарда тутилган эди. Шахс касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ва соғлиққа шикаст етказиш учун жавобгарлик ҳақидаги нормагина ўзгаришсиз қолди, чунки мазкур нормалар шахсга қарши жиноятлар ҳақидаги бобда жойлаштирилган.

Франция ЖК тиббиёт ходимининг бемор соғлиғига етказган зарари учун ҳам жавобгарликни кўзда тутди. Ушбу ҳолатда эҳтиётсизлик орқасидан беморнинг уч ойдан ортиқ муддатга (222-19-модда) ҳамда уч ойга тенг ёки ундан кам муддатга (222-20-модда) тўлиқ меҳнат қобилиятини йўқотишга сабаб бўлган ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Корея Республикаси Жиноят кодексига ҳам касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган. Чунончи, унинг 268-моддаси “Касбий ёхуд шахсий эҳтиётсизлиги туфайли жисмоний зарар етказиш ёки ўлимга сабаб бўлиш” деб номланиб, унда касбий ёхуд шахсий эҳтиётсизлиги туфайли бошқа шахсга жисмоний зарар етказган ёки ўлимга сабаб бўлган шахс беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки 20 миллион вон (Корея Республикаси пул бирлиги) кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

³⁹ Уголовный кодекс Франции. – М.: Изд-во «Юрид. центр-пресс», 2018.–С. 60

Хорижий давлатлар жиноий қонунчилиги ва тажрибасини таҳлил қилиб, қуйидаги хулоса ва таклифларга келиш мумкин;

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган субъектлар доирасини аниқ белгилаш ижобий натижа беради. Чунки кўплаб хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айнан қайси касб егалари жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган;

Иккинчидан, Жиноят кодекси 116-моддаси 2-қисмида кўрсатиб ўтилган узрли сабабсиз ёрдам кўрсатмаслик жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Таклиф сифатида айнан қандай ҳолатлар узрли сабаблар эканлиги аниқлаштирилиши лозим. (Масалан, техник авариялар, оммавий тартибсизликлар, табиий офат, охирги зарурат ҳолати, дори воситаларининг етишмаслиги ва ҳ.к.);

Учинчидан, ЖК 116-моддаси учун жазо қўллашда, жазонинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлар қонунчилигида ушбу норма учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси узоқ вақтдан буён самарали амал қилиб келаётганини инобатга олиб, амалдаги ЖК 116-моддаси учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни нафақат асосий жазо, балки бошқа жазоларга қўшимча жазо сифатида ҳам мустаҳкамлаш зарур. Сабаби, ушбу жиноят махсус субъектли бўлиб, фуқароларнинг ўз касбларига нисбатан бепарволиги, инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли келиб чиқишини ҳисобга олиб, бундай қўшимча жазо жиноятчини ахлоқан тузатишга хизмат қилади.

2-БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИКНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

2.1-§. Тиббий фаолиятда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятларининг объектив жиноий–ҳуқуқий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари

Объект жиноятнинг моҳияти ва юридик табиатини, унинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини кўп жиҳатдан белгилайди. Шу жиҳатдан жиноят объекти бу тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатларнинг жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган мажмуидир⁴⁰. Адабиётларда тадқиқ этилаётган мазкур жиноятнинг объектига етарли эътибор берилмаганлиги туфайли ҳам ушбу муаммо ҳанузгача ўзининг тўлақонли ечимини топмаганлигини қайд этиш лозим. Мазкур муаммонинг баъзи бир жиҳатларига берилган тавсифларда қарама-қаршилиқлар кузатилади, илгари сурилган фикрлар эса, аксарият ҳолларда умумий хусусият касб этади. Ҳолбуки ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари ва уларни қўлланиш амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш учун айнан жиноят объектини тўғри аниқлаш биринчи даражали аҳамият касб этади..

Жиноий тажовуз объектини тўғри тавсифлаш муайян турдаги жиноятларнинг моҳиятини ёритиш, уларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини кўрсатиш имкониятини беради, шунингдек аниқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади⁴¹.

Шунингдек, профессор М.Х.Рустамбаевнинг ёзишича, “ЖКнинг 116-моддасида жиноятнинг объекти – инсон ҳаёти ёки соғлиғининг

⁴⁰ Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. – М., 2001 – С. 208.; Семченков И.П. Объект преступления: социально-философские и методологические аспекты проблемы: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003.; Демидов Л.М., Лукин Р.Н. Объект и предмет преступления по уголовному праву России. Актуальные проблемы: Учебное пособие. – СПб., 2004. – С. 27.

⁴¹ Демидов Л.М., Лукин Р.Н. Объект и предмет преступления по уголовному праву России. Актуальные проблемы: Учебное пособие. – СПб., 2004. – С. 11.

хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади”⁴².

Профессор Ф.Тоҳиров мазкур жиноятнинг объекти инсон ҳаёти ёки соғлиғидир⁴³, дейди. М.М.Қодиров ҳамда Р.Кабуловлар ҳам касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти объектини инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи ташкил этишини айтади⁴⁴.

Л.Н.Урумбаева юқоридаги муаллифларнинг фикрига қўшилмайди, унинг ёзишича, “инсон ҳаёти ёки соғлиғи мазкур жиноятнинг объекти бўла олмайди. Балки ушбу қилмиш юқоридаги неъматларга қарши қаратилмаган, ушбу қилмиш натижасида ҳаёт ва соғлиқ хавф остида қолишини ҳисобга олиб мазкур жиноятнинг объекти шахс соғлиғининг хавфсизлиғидир”. Э.О.Турғунбоев Л.Н.Урумбаеванинг фикрини маъқуллаб, “мазкур жиноят “ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар” деб номланган бобда жойлашганлиги учун унинг объекти жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлиги бўлиши лозим”⁴⁵. Бизнингча ҳам М.Ҳ.Рустамбаев, Э.О.Турғунбоев ҳамда Л.Н.Урумбаевалар бу борада ҳақдирлар.

Касбий фаолият соҳасидаги муносабатлар таркибий тузилишини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, фалсафа ва социологияга оид адабиётларда ижтимоий муносабатларнинг субъектлари; ижтимоий муносабатларнинг предмети; субъектларнинг ижтимоий муносабатлар мазмунини белгиловчи ижтимоий аҳамиятга молик фаолияти (алоқаси) ижтимоий муносабатларнинг таркибий элементлари ҳисобланади, деган фикр айниқса кенг тарқалган.

⁴² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. 2-том: – Ташкент: “Адолат”, 2021. – Б. 113.

⁴³ Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлил. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 83.

⁴⁴ Қодиров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть.- Ташкент: Адолат, 1997.-С. 191.; Кабулов Р. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Чизмалар альбоми. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2014. – Б.36.

⁴⁵ Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида колдириш жиноятининг фарқ қилувчи белгилари / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б.112.

Касалга ёрдам кўрсатмаслик объектив томондан ҳаракатсизлик билан содир этилади. В.П.Новоселовнинг фикрича ҳаракатсизлик, касалга ёрдам кўрсатмаслик ёки касални тиббий кўрикдан ёхуд қандайдир диагностик текширувлар, даволаш муолажаларини ёки уларга тайёрлаш ишларини ўтказишдан бош тортиш, шунингдек, ўз касбини яширишда ифодаланиши мумкин⁴⁶.

Жумладан, профессор М.Х.Рустамбаев қайд этишича, касалга ёрдам кўрсатмаслик касални тиббий стационарга қабул қилишдан бош тортиш, унга тиббий ёрдам кўрсатмаслик, (масалан, айбдор ўзида мавжуд бўлган дори дармонларни касалга бермаслиги, сунъий нафас беришни амалга оширмаслиги, зарур тиббий даволаш тадбирларини амалга оширмаслиги) ва бошқаларда ифодаланади⁴⁷.

Касалга ёрдам кўрсатмасликнинг аниқ шакллари: касалнинг шошилинич тиббий ёрдам чақирганида шифокорнинг бормаслиги; касални тиббий муассасага қабул қилишдан бош тортиш; касалга нисбатан текширув ўтказиш; диагноз қўйиш, консилиум ўтказишни рад этиш ва шунга ўхшаш кўплаб ҳолатларни мисол келтириш мумкин.

Бу ҳолатда ҳаракатсизликни жиноят деб топиш учун: 1) шахсни касалга ёрдам кўрсатишга мажбурлиги (юримдик жиҳатдан); 2) касалга ёрдам кўрсатишнинг реал имконияти борлиги; 3) шахсни касалга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ва имконияти бўла туриб ёрдам кўрсатмаслиги тушунилади.

Ходимларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилиши жамият томонидан қораланиши аниқ. Чунки соғлиқ у ҳар бир инсонга у туғилиши билан тегишли бўлган бебаҳо бойликдир. Шу боис, ҳар қандай соғлиққа дахлдор масала диққатни ўзига жалб қилиши табиий.

⁴⁶ Новоселов В.П. Ответственность работников здраво-охранения за профессиональные правонарушения. - Новосибирск, 1998. - С. 53.

⁴⁷ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарх. Махсус қисм. 2-том: - Ташкент: "Адолат", 2021. - Б. 114.

Ўрганилаётган жиноят объектига зарар фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш зарурияти билан белгиланган ва ижтимоий муносабатларнинг мазкур соҳаси самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган, давлат ва жамият томонидан маъқулланган фаолият тартиб-қоидаларини бузиш йўли билан етказилади. Бу ерда муҳофаза қилинаётган муносабат субъектлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, ўзларига юклатилган вазифаларга нисбатан бепарволик ёки инсофсизлик билан муносабатда бўладилар ва шу тариқа касб юзасидан ўз вазифаларини бажаришнинг қонун билан белгиланган тартибини бузадилар.

Аниқ ижтимоий хавfli қилмиш айрим ижтимоий муносабатга, яъни бевосита объектгагина эмас, балки мазмунан турдош бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳига (турдош объект), охир-оқибатда эса – жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуига (умумий объект) ҳам тажовуз қилади. Мазкур тасниф турли даражадаги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларини аниқлашга хизмат қилади. Жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти бўлган ижтимоий муносабат-ларнинг хусусиятларини аниқлаш махсус, турдош ва бевосита объектларни ажратиш орқали амалга оширилади. Кўриб чиқиладиган жиноятнинг махсус ва турдош объектини кўрсатиш учун улар ижтимоий муносабатларнинг қайси гуруҳига зиён етказишини аниқлаш зарур бўлади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг махсус объекти ЖКнинг Махсус қисми биринчи бўлимида кўзда тутилган нормалар билан қўриқланадиган шахсни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

Турдош объект махсус объектнинг бир қисми бўлиб, у иштирокчиларнинг айна бир манфаатини акс эттирувчи ёки айна бир объектнинг ўзаро боғланган айрим манфаатларини ифодаловчи муносабатларнинг нисбатан торроқ гуруҳларини бирлаштиради⁴⁸. Қисм

⁴⁸ Фролов Е.А. Спорные вопросы общего учения об объекте преступления // Сборник ученых трудов Свердловского юридического института. 2000. – С. 203-204.

бутун билан ёки тур жинс билан қандай нисбатлашса, махсус объекти ҳам турдош объект билан шундай нисбатлашади⁴⁹. Махсус объект ижтимоий муносабатларнинг битта гуруҳи доирасида бир қанча ўхшаш жиноятлар учун умумий саналган муносабатларнинг унча катта бўлмаган, алоҳида гуруҳларини ажратиш имкониятини беради.

Кўриб чиқиладиган жиноятларга баҳо беришда адабиётларда илгари сурилган фикрларда жиддий тафовутлар йўқ. Аксарият муаллифлар юқорида санаб ўтилган қилмишларни турдош объекти соғлиқ эмас, балки шахс ҳисобланадиган жиноятлар қаторига киритади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг асосий бевосита объекти касб юзасидан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар саналади. Демак, жиноят объектида бевосита объектни аниқлаш, биринчидан, тажовузнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини аниқлаш имкониятини беради, иккинчидан, қилмишни тўғри квалификация қилишнинг зарурий омили ҳисобланади, учинчидан, жиноятни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашга кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур жиноят объекти хусусида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг махсус объекти ЖК Махсус қисми биринчи бўлимида кўзда тутилган нормалар билан қўриқланадиган шахсни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар. Мазкур жиноятнинг турдош объекти шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятнинг асосий бевосита объекти касб юзасидан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар. ЖК 116-модда иккинчи қисми асосий бевосита объекти қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ, касалга ёрдам

⁴⁹ Российское уголовное право: Учебник в 2 т. Т. 1. Общая часть / Под ред. Л.Н.Иногамовой-Хегай, В.С.Комиссарова, А.И.Парога. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Изд-во Проспект, 2007. - С.116.

кўрсатишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг кўшимча бевосита объекти – шахснинг ҳаёти ёки соғлиги ҳисобланади.

Амалдаги жиноят қонунини ўрганиш зиммасига муайян вазифалар юклатилган ходимларнинг ҳаёт ва соғлиққа ижтимоий хавфли тажовузлари билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Айни ҳол ижтимоий муносабатлар ранг-баранглигини, илмий-техника тараққиётини, халқаро ва миллий қонунчилик ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини эътиборга олган ҳолда жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларида айнан жиноят объектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларнинг етарлича инobatга олинмаганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу моддада вояга етмаган, ҳомиладор аёл, икки ёки ундан ортиқ шахслар алоҳида жиноят-ҳуқуқий муҳофазага олинмаган. Шу муносабат билан биз ЖК 116-моддасининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, юқоридаги ҳолатларда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сезиларли даражада ортади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг объектив томонини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони бир қанча зарурий белгиларни ўз ичига олади:

1) шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаган-лигида ифодаланувчи ижтимоий хавфли қилмиш;

2) шахс (бемор)нинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилишида ифодаланувчи ижтимоий хавфли оқибатлар;

3) юқорида кўрсатилган қилмиш ва қонунда кўрсатилган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

Айбдорнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади. Ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноятларга нисбатан ўз муносабатларини билдирар эканлар, ҳуқуқшунослар ҳақли равишда бу жиноят ҳуқуқида энг кўп мураккаб ва долзарб саволларни вужудга келтирмоқда, деб таъкидлайдилар. М.И.Ковалёв “ҳаракатсизлик билан содир этилган жиноятда субъект ўзини намойиш этмайди”⁵⁰ деб ёзади. Г.В.Тимейко таъбири билан айтганда, “инсон танасига тегишли бўлган табиий кучлар жисмоний жиҳатдан тинч ҳолатда бўлади” дейди. А.А.Тер-Акопов бу ҳақда, ҳаракатсизлик бу ижтимоий ҳаракатни амалга ошириш шарт бўлган шахс томонидан ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмасликни тушуниш керак, деб ҳисоблайди. А.П.Бопко эса, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликда ҳаракатсизлик деганда, бир шахс ўзга шахснинг хавф остида қолганини билиб туриб унга ҳеч қандай ёрдам бермаслиги тушунилади⁵¹. Бундай таъриф кенг мулоҳазани талаб этади.

М.Усмоналиевнинг ёзишича, ҳаракатсизлик – шахснинг пассив ҳуқуқ-атворидир. Ҳаракатсизлик ҳам худди ҳаракат каби ижтимоий хавфли, онгли ва ҳуқуққа хилоф бўлиши керак. Аммо ҳаракатсизлик учун бу белгиларнинг ўзи етарли эмас. Ҳаракатсизликнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини аниқлаш учун унинг қуйидаги белгилари аниқланиши керак: 1) ҳаракатсизлик нималарда ифодаланган, айбдорнинг айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлиги; 2) шахс айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлигини аниқланиш; 3) бажарилиши лозим бўлган аниқ ҳаракатни бажариш имкониятлари аниқланиши керак⁵².

⁵⁰ Ковалев М.И. Проблемы учения об объективной стороне состава преступления. – Красноярск, 1998. – С. 41.

⁵¹ Бопко А.П. Бездействие - бездеятельность - ответственность. – Ростов н/Д. 2002. – С. 72-73.

⁵² Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 174-176.

Ҳаракатсизлик белгилари билан бирга ҳаракатнинг муайян шаклини бажариш мажбурияти ҳам мавжуддир.

Қуйидаги ҳолларда ҳаракатнинг муайян шаклини бажариш мажбурияти вужудга келади:

1) шундай ҳаракатни бажариш тўғридан-тўғри қонунда белгиланган бўлса, масалан, транспорт воситасини бошқараётган шахснинг ҳаракат хавфсизлигига ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга мажбурлиги;

2) шартнома бўйича юклатилган мажбуриятларни бажаришга мажбурлиги;

3) шахснинг мансаб ваколати ёки касб вазифаси туфайли бажариши шарт бўлган мажбуриятлари;

4) оилавий муносабатлар туфайли бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлар;

5) шахснинг ўз ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган мажбуриятлар. Масалан, транспорт воситасини ҳайдашга ўргатаётган ёки сузишга ўргатаётган шахснинг ёки болани қараб туриш топширилган шахснинг мажбурияти оғир касалга, ожиз аҳволдаги шахсларга қараб туриш мажбурияти юклатилган шахсларнинг мажбуриятлари. Ана шу мажбуриятларни бажармаслик ҳаракатсизликдан қилинадиган қилмишлар ҳисобланади. Бундай ҳолдаги ҳаракатсизликни ижтимоий хавфли қилмиш деб ҳисоблаш учун, аввало, шахснинг муайян тартибда ҳаракат қилишининг зарурлиги ва ўша ҳаракатларни бажаришга имкониятларининг мавжудлиги аниқланиши керак⁵³.

Айнан ЖК 116-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси бўлган ижтимоий хавфли қилмиш ҳаракатсизликда, яъни шахсга унинг касби юзасидан юклатилган мажбуриятларни бажармасликда ифодаланади. Бу юридик адабиётларда

⁵³ Усмоналиев М. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 174-176.

“соф ҳаракатсизлик”⁵⁴ деб юритилади. Бу мажбуриятлар шахсга қонун, қонун ости норматив ҳужжатлар, локал ҳужжатлар орқали юклатилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонунида айнан мамлакатимизда қутқарувчилик фаолияти тартибга солинган. Қонуннинг 23-моддасида қутқарувчилик касби билан шуғулланувчи шахсларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра фавқулодда вазиятлар шароитида жабрланганларни қидириши, уларни қутқариш чораларини кўриши шарт. Ушбу вазифаларни бажармаслик натижасида ЖК 116-моддасида назарда тутилган оқибатларнинг келиб чиқиши, қутқарувчининг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Айбдор ҳаракатларида жиноят таркиби бор-йўқлиги хусусида узил-кесил ҳулоса чиқариш учун мазкур ҳаракатлар билан амалда юз берган зарарли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш талаб этилади. Шунини қайд этиш лозимки, айбдорнинг ҳаракатларида баъзан қилмиш ва юз берган оқибатлар ўртасида тасодифий боғланишга ҳам дуч келиш мумкин. Мазкур аниқ шароитда воқеаларнинг қонуний ривож сифатида юз бермаган, яъни содир этилган ҳаракатга ичдан хос бўлмаган, балки сабабиятнинг ушбу занжири бошқа занжир бир кесишуви натижасида юз берган оқибатлар кўриб чиқиладиган қилмишнинг тасодифий оқибатлари ҳисобланади.

Жиноят ҳаракатсизлик билан содир этилганида сабабий боғланишни аниқлаш масаласи ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Рус олими Г.Н.Борзенков фикрига кўра, ҳаракатсизликда сабабий боғланиш мавжуд бўлмайди. Бу ҳолда ҳаракатсизлик қачон юз берган натижанинг сабаби ҳисобланади, деган саволга эмас, балки қонунда махсус назарда тутилган ҳаракатсизлик учун субъект қачон жавобгар бўлади? деган

⁵⁴ Очилов Ҳ.Р. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): Саволлар ва жавоблар. Ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир: проф. Ф.Тахиров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 30.

саволга жавоб топиш талаб этилади⁵⁵. Бизнингча, бу фикр моҳиятан тўғри эмас. Агар ҳаракатсизлик ва юз берган ижтимоий хавфли натижа ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлмаса, айбдор қайси асосларга кўра жиноий жавобгарликка тортилади, ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бериши унинг хулқ-атвори натижаси ҳисобланмайдими, деган табиий савол туғилади. Одатда, қонунда ҳаракатсизликнинг ўзи учун жиноий жавобгарлик белгиланмайди, бундай хулқ-атвор жиноят ҳуқуқи учун аҳамиятга эга эмас. Ҳаракатсизлик туфайли ижтимоий хавфли оқибат юз берган тақдирдагина у жиноят-ҳуқуқий аҳамиятлидир.

Ушбу жиноятларнинг объектив томони учта элементни (ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибатлар, улар ўртасидаги сабабий боғлиқлик) ўз ичига олади, чунки бундай жиноятлар моддий таркибли жиноятлар туркумига киради. Бу ҳаракат шахснинг ўз касбий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлигида ифодаланади масалан, дори дозасини аниқлашда хатоликка йўл қўйиш, жарроҳлик амалиётида технологиядан нотўғри фойдаланиш ёки тиббиёт ходимининг ҳаракатсизлиги (Беморнинг танасида қанақадир жисмларнинг қолиб кетиши, етарли текширув ёки тўлақонли даволамаслик, тиббий асбобларни қайта ишлатишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш) туфайли келиб чиқади. Натижада баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёки эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига олиб келади.

Ижтимоий хавфли қилмиш билан ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши зарур. Унинг йўқлиги тиббий ёрдамни нотўғри кўрсатиш учун жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятида ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва юз берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини тўғри аниқлаш учун қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши зарур:

⁵⁵ Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. – М.: Зерцало-М, 2006. – С. 95-100.

1. Ижтимоий хавфли қилмишнинг мавжуд эмаслиги сабабий боғланишни аниқлашни истисно этади, чунки бу ҳолда жиноят объектив томонининг зарурий белгиси – қилмиш мавжуд бўлмайди. Ходимнинг ижтимоий фойдали хулқ-атвори жиноий оқибатлар манбаи бўлиши мумкин эмас. Қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш оқибатлар жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланган ҳолларда, яъни моддий таркибли жиноятлардагина аниқланади. Бундай ҳолларда сабабий боғланиш мавжудлигининг аниқланмагани жиноятнинг объектив томони мавжуд эмаслигидан далолат беради. Формал таркибли жиноятларда эса, сабабий боғланиш аниқланиши шарт эмас, чунки қонунни қўлловчи учун оқибатни аниқлаш зарур ҳисобланмайди.

2. Сабабий боғланишни аниқлашда шуни эътиборга олиш лозимки, инсонни қуршаган дунё муайян қонунларга мувофиқ фаолият кўрсатади, шу сабабли ундаги барча ҳодисалар бир-бири билан узвий алоқада бўлади. Аниқ вазиятда у ёки бу ҳодиса маълум оқибатнинг сабаби сифатида амал қилиши, айтилиши вақтда мазкур оқибат бошқа бир алоқада сабаб аҳамиятини касб этиши ёки бошқа бир оқибатнинг юз беришига таъсир кўрсатиши мумкин. Айтилиши шу сабабли алоқалар ва сабаблар ранг-баранглигида асосий ҳодисалар – ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибатлар мавжуд бўлган бўғинни ажратиш лозим. Мазкур методологик усулсиз қилмиш ижтимоий хавфли оқибатнинг сабаби эканлигини аниқлаш мумкин эмас. Мазкур жиноят содир этилганида уларни белгиловчи сабабий боғланишларнинг мураккаб ва серқирралигига ҳамда уларни аниқлаш ва исбот қилишнинг мушкуллигига қарамай, ушбу тадқиқот доирасида ўрганилган мазкур тоифадаги ишларнинг барчасида сабабий боғланиш мавжудлиги ва у ёки бу касб ходимларининг айбини исбот қилишга муваффақ бўлинган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жиноятларни исбот қилиш ҳам, уларни содир этганлик учун айбдорларни жазога тортиш ҳам мумкин, дея ишонч билан қайд этиш имкониятини беради.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликда келиб чиқиши мумкин бўлган зарар мавҳум (ноаниқ) бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳаёт ёки соғлиқ учун реал хавф вужудга келса ва бу олдиндан қанча миқдорда зарар етиши аниқ бўлса, бу касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик бўлмайди, балки қасддан шахс ҳаётига ёки соғлиғига суиқасд ҳисобланади.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти объектив томондан ҳаракатсизлик натижасида содир этилади ва жинойий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, моддий таркибли жиноят ҳисобланади.

Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг ўзига хослиги шундаки, бунда муайян беморга ёрдам кўрсатиш шахсининг касбий мажбурияти ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг объектив томонига қуйидагилар киритилади:

биринчидан, субъектнинг яъни тиббиёт ходимининг ҳаракатсизлиги ёки лозим даражада ҳаракат қилмаслиги;

иккинчидан, касб вазифалари юзасидан жабрланувчига яъни беморга тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур эканлиги;

учинчидан, қилмиш натижасида жиноят қонунида кўзда тутилган муайян оқибатнинг келиб чиқиши лозимлиги киради.

2.2-§. Тиббий фаолиятда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятларининг субъектив жинойий–ҳуқуқий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари

Тиббий ёрдам соҳасидаги жиноятлар барча касбий ҳуқуқбузарликлар ичида энг хавфлиси бўлиб ҳисобланади, чунки тиббиёт ходимларининг фаолияти инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш хавфи билан муқаррар равишда боғлиқдир. Бунда, сабабий боғланиш ва оқибат муносабатларини аниқлаш жуда муҳим, чунки жавобгарлик фақат шифокорларнинг бахтсиз

оқибатларга олиб келган ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келади. Қоидага кўра, бу жиноят еҳтиётсизлик натижасида содир бўладиган жиноятлар тоифасига киради.

Тиббиёт ходимларининг виждонсиз хатти-ҳаракатлари (етарли диагностиканинг йўқлиги, нотўғри ташхис қўйиш, даволанишни кечиктириш ва ҳ.к.) каби субъектив сабаблар кўпинча ёш мутахассисларда тажриба ва билимларнинг етишмаслиги ва аксинча, тажрибалироқ ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириб юбориш билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Бироқ, соғлиққа зарар етказилиши билан тугалланган ҳолатлар ҳар доим ҳам шифокорлар томонидан ўз касбий вазифаларини нотўғри бажариш билан боғлиқ эмас. Бунда, шифокорларнинг улар томонидан бажариладиган ҳаракатларига муносабатини аниқлаш катта аҳамиятга ега. Шундай қилиб, бахтсиз ҳодиса, шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатишдаги англаб қилинган оқилона хатоси, шунингдек, фавқулотда ёки хавф шароитида содир этилган хатти-ҳаракатлари шифокорнинг билим ва кўникмаларига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра содир бўлади ва шу сабабли мазкур ҳолатда тиббиёт ходимларини ҳаракатларини жиноят сифатида эътироф этилмаслиги керак.

Шу муносабат билан тиббий ёрдамни нотўғри кўрсатиш ёки ўз кабини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тиббиёт ходимлари томонидан ўз кабини лозим даражада бажармаслиги ёки тиббий ёрдам кўрсатмаслиги алоҳида модда сифатида берилмаган ёки тиббий ёрдам кўрсатмаслик билан боғлиқ бўлган эҳтиётсизлик натижасида баданга шикаст етказилишига сабаб бўлган жиноятлар мустақил гуруҳ сифатида алоҳида ажратилмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг учинчи бобида назарда тутилган ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларни таҳлил қилиш, шахс томонидан ўз касбий мажбуриятларини (шу жумладан

тиббий ёрдам кўрсатишда) лозим даражада бажармаганлиги натижасида содир етилган жиноятларни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Жумладан, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса ва бошқа шахсга ОИВ инфекциясини юктириш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси ва 113-моддаси 5-қисми).

Жиноят содир этган ҳар бир инсон ижтимоий хусусиятга эга бўлган кўпгина хоссаларни ўзида мужассамлаштиради, лекин жиноят таркиби учун фақат ёш, ақли расолик ва айрим ҳолларда махсус субъект белгиларигина аҳамият касб этади.

Жиноятнинг субъекти жиноят таркибининг зарурий белгиларидан бири ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқига биноан жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этган ва унинг учун жиноий жавобгар бўла оладиган шахс жиноятнинг субъекти деб эътироф этилади⁵⁶.

ЎЗР ЖК 116-моддасида кўзда тутилган жиноят фақат муайян касб вазифалари юклатилган шахслар томонидан содир этилади. Бундан ушбу жиноят махсус субъектли жиноят, деган хулосага келишимиз мумкин. Жиноятнинг махсус субъекти дейилганда, ақли расо, қонунда белгиланган муайян ёшга етганлик каби умумий белгилар билан бирга жиноят қонунида ёки бевосита унда назарда тутилганлиги туфайли ушбу қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгиловчи қўшимча белгиларга эга бўлган шахс тушунилади.

Шунингдек, 16 ёшга тўлган, муайян касб мажбуриятларига эга бўлган ҳар қандай шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин⁵⁷. Қилмишни ЖК 116-моддаси бўйича квалификация қилиш учун субъект унга қўйилган умумий талаблар билан бир қаторда касб мажбуриятларига эга бўлиши ва айнан ушбу касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги

⁵⁶ Каримов Х. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят субъекта мезонларининг аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.149-154.

⁵⁷ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент: Илм-зиё, 2006. – Б. 91.

аниқланиши лозим бўлади.

Жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (шифокор, электр ходими, спорт ўқитувчиси, ёнғин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиация соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпаз, газ таъминоти ходими ва б.қ.) нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят ҳуқуқида аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди ⁵⁸.

Айни дамда ЖК 116-моддаси иккинчи қисмида айнан қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахс ёки бўлмаса шифокор, ҳамшира ва шу кабилар тўғрисида сўз боради.

Ушбу масала хусусида чуқурроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалиётда мазкур модда кўпроқ тиббиёт ходимларига қўлланилмоқда. Ўтказилган сўров натижаларига кўра ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноятлар асосан тиббиёт ходимлари томонидан содир этилаётганлиги аниқланган.

Тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар эга бўладилар⁵⁹.

Жиноят кодексида қонун ёки бошқа махсус қоидаларга асосан касалга

⁵⁸ Хайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Монография: -Тошкент, 2021 й. 55-б.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 128-модда.

ёрдам кўрсатиши шарт бўлганлар деганда, бир мунча кенгроқ доирадаги шахсларни назарда тутди. Бундай шахсларга махсус тиббий билимга эга бўлмаган, лекин мажбуриятига кўра касалга қаровчи шахслар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига кўра, тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан ҳам кўрсатилади.

Тиббиёт ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам агар имконияти бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур ⁶⁰. Баъзи адабиётларда бундай мажбурият кенг талқин қилиниб, тиббиёт ходимлари қачон ва қаерда бўлишидан қатъий назар биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурлиги таъкидланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида ҳам тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишлари шартлиги белгилаб қўйилган. Бироқ, бу фикрни инкор қилувчилар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ю.А.Власевнинг фикрича, мазкур жиноят таркибининг касалнинг ёнида хизмат вазифасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўлган ва унга ёрдам кўрсатмаган ҳар қандай тиббиёт ходимига нисбатан қўллаб бўлмайдиган ⁶¹. Демак, муаллифнинг фикрича, агар тиббиёт ходими хизмат вазифасидан бошқа вақтда касалга ёрдам кўрсатмаса, унга нисбатан ЖК 116-моддаси иккинчи қисмини қўллаш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, амалдаги қонунчилик мазмунидан ҳамда суд-тергов амалиётида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, тиббиёт ходимларининг касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши унинг хизмат вазифасига расмий равишда кирган ёки кирмаганлигининг аҳамияти йўқ. Яъни, тиббиёт ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам касалга ёрдам кўрсатиш расмий жиҳатдан унинг хизмат вазифаларига кирган ёки кирмаганлигидан қатъий назар касалга биринчи тиббий ёрдам

⁶⁰ Комментарий к УК Российской Федерации / Под ред. А.В.Наумова. – М.: Норма, 2006. – С. 328.

⁶¹ Власев Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С. 123.

кўрсатишга мажбур ҳисобланади ва ушбу мажбуриятни бажармаслиги ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатларга сабаб бўлса, қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

Тиббиёт ходими ўз касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятларда, агар ЎзР ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида субъектнинг алоҳида белгилари кўрсатилган бўлса, махсус субъект ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, субъектнинг умумий белгиларидан ташқари, аниқ жиноятни содир этганлик учун жинойий жавобгарликка ўзга шахсларни тортиш имкониятини чекловчи алоҳида қўшимча белгиларга эга бўлган шахс жиноятнинг махсус субъекти деб эътироф этилади.

Тиббиёт ходими томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти сифатида жиноят қонунида оқибат – шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлими ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Амалдаги ЖКнинг 116-моддаси биринчи қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо касб вазифаларини лозим даражада ёки умуман бажармаган ҳар қандай касб эгаси бўлиши мумкин; ЖКнинг 116-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Жиноят субъектив белгилари тизимида субъектив томон ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Жиноятнинг субъектив томони деганда, шахснинг жиноят содир этиши билан бевосита боғлиқ бўлган руҳий фаолияти тушунилади. Жиноятнинг объектив томони унинг фактик мазмунини белгиласа, субъектив томон жинойий қилмишнинг руҳий мазмунини белгилайди, яъни

айбдорнинг рухиятида кечувчи жараёнларни тавсифлайди. Субъектив томоннинг мазмунини бевосита ҳиссий идрок этиш мумкин эмас, уни фақат содир этилган жиноятнинг барча объектив ҳолатларини атрофлича таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш йўли билан аниқлаш мумкин. Жиноят субъектив томонининг мазмуни айб, мотив ва мақсад каби юридик белгилар ёрдамида ёритилади. Мазкур белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиб, ҳар бири алоҳида мустақил мазмунга эга ҳисобланади. “Жиноят мотиви ва мақсадини тўғри англаш ва аниқлаш жиноятни очишга, тергов олиб боришга ва квалификация қилишга, шунингдек келгусида жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади”⁶².

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддасида назарда тутилган жиноятлар, яъни шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳамда қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаслиги эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) тарзидаги айб билан тавсифлангани боис, биз айбнинг айнан эҳтиётсизлик шаклига батафсилроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Шунингдек, қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаслиги нафақат эҳтиётсизлик, балки эгри қасддан ҳам содир этилиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Қуйида эҳтиётсизлик ва эгри қасд ҳамда улар ўртасидаги фарқли жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Шунингдек, ЖКнинг 21-моддаси тўртинчи қисмига асосан, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

⁶² Закирова У. Жиноят мотиви ва мақсадининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.116-121.

Шу ўринда эгри қасд ва эҳтиётсизлик ўртасидаги асосий фарқ нимада?, деган ҳақли савол туғилади. Қасддан содир этиладиган жиноятлардан фарқли ўлароқ, фақат моддий таркибли жиноятлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилади, яъни тегишли моддаларнинг диспозицияларида айбдор ҳаракатларининг натижаси саналган ижтимоий хавфли оқибатлар назарда тутилади⁶³. Шунингдек, А.С.Якубовнинг қайд этишича, “шахс қилмишида жиноий эҳтиётсизликнинг белгиларини аниқлаш қуйидагилардан иборатдир: ўз хулқ-атворининг оқибатларининг келиб чиқишига олиб келиши мумкинлигига илгаридан кўзи етмаслиги билан; шахснинг мазкур оқибатларининг келиб чиқишига кўзи етиши, унинг бурчи эканлиги билан; шахснинг мазкур оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи етиш имконининг мавжудлиги билан изоҳланади” деб қайд қилган.

Шубҳасиз эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар шахснинг ўз вазифасига совуққонлик билан бўлган муносабатлари натижасида ижтимоий манфаатларга бўлган лоқайд муносабатлар ва бошқалар туфайли содир бўлади.⁶⁴

Бепарволик – шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмайдиган айбнинг бирдан-бир шакли⁶⁵. Аммо шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаганлиги бундай оқибатлар юз беришига руҳий муносабат умуман мавжуд эмаслигини англамайди, балки мазкур муносабатнинг алоҳида шаклини ўзида ифодалайди. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган мазкур айб турининг моҳияти шу билан белгиланадики, шахс ўзи содир этаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлган ҳолда, мазкур оқибатларнинг олдини олиш мақсадида зарурий ҳаракатларни бажариш учун лозим даражада эътиборлилик ва эҳтиёткорлик чораларини кўрмайди, амалда мавжуд имкониятни воқеликка айлантормайди.

⁶³ Закирова У. Жиноят мотиви ва мақсадининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.116-121.

⁶⁴ Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. Ўқув қўлланма. – Тошкент:ТДЮИ, 2005. – Б.9.

⁶⁵ Лунеев В.В. Субъективное вменение. – М., 2000. – С. 41.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик натижасида оғир оқибатлар юз берганида, ходимлар айбининг суд амалиётида айниқса кенг тарқалган шакли шахснинг ўз касбига нисбатан жиноий бепарволиги ҳисобланади. Масалан, тиббиёт ҳамшираси тунги навбатчиликни ўташ вақтида жарроҳлик операциясидан эндигина чиққан беморга у азоб чекмаслиги ва ухлаб қолиши учун кўп миқдорда оғриқни қолдирувчи ва уйқу дориларини беради, бемор эса бунинг оқибатида вафот этади. Ёки бўлмаса жарроҳлик асбоблари ва материаллари бемор танасида қолиб кетади ⁶⁶.

Бундай ҳолларда тиббиёт ходимининг айби ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаганлиги, лекин касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажарган тақдирда кўзи етиши лозим ва мумкин бўлганлигида ифодаланади. Айни шу сабабли шифокорнинг ҳаракатларини жиноят қонунига мувофиқ жазога лойиқ бўлган ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тавсифлаш имкониятини берувчи юридик мезонларни аниқ ва тўғри тушуниш зарурлиги тиббиёт ходимлари фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Суд амалиёти замирида айни шу юридик мезонлар ётади. Тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини бажарар экан, у мазкур вазифаларни лозим даражада бажармаганлик туфайли амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган оғир оқибатларга сабаб бўлгани учун юридик жавобгарлик тури ва чорасини билиши, ҳеч шубҳасиз, зарур. Амалиёт шунини кўрсатадики, судлар бундай ишларни кўриб чиқишда ҳақиқатни аниқлашга қийналадилар, тиббиёт ходимларининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслигини исбот қилиш эса бундан ҳам қийинроқ кечади. Шу туфайли ҳам тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини бажариш чоғида расмийлаштирган ҳар бир ҳужжат ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки тиббий ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмаганлик судлар томонидан қарорлар чиқаришда бемор фойдасига баҳоланади.

⁶⁶ Интернет сайти: <http://www.rg.ru/sujet/2923.html>

Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган айбнинг бир тури бўлган бепарволик ўз-ўзига ишонишга маълум даражада ўхшашдир. Жиноий эҳтиётсизликнинг иккала тури ҳам шу билан тавсифланадики, айбдор ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади. Фарқ фақат шунда намоён бўладики, ўз-ўзига ишонишда шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади ва шу туфайли ҳам ўз ҳаракатлари хавфли эканлигини англайди. Бепарволикда эса, шахс ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига умуман кўзи етмайди, бинобарин, хатти-ҳаракатлари хавфли эканлигини ҳам англамайди. Ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етишнинг ўзи ўз-ўзига ишонишнинг ақлий жиҳати, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асосиз равишда умид қилиш эса – руҳий жиҳати ҳисобланади ⁶⁷.

Бинобарин, ўз-ўзига ишонишда айбдор ўз ҳаракати жамият учун хавфли эканлигини тушунади. Аммо, ўз-ўзига ишониш ақлий жиҳатига кўра эгри қасдга маълум даражада ўхшаб кетади. Бироқ, эгри қасдда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигига амалда кўзи етса, ўз-ўзига ишонишда бундай имконият мавҳум хусусият касб этади. Шундай қилиб, субъект (касбий мажбуриятларга эга шахс) бундай ҳаракатлар ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етади, лекин айти ҳолда улар юз бермаслигига умид қилади. У, ўз фикрига кўра, жиноий натижа юз беришининг олдини олиши лозим бўлган омилларни баҳолашга енгилтаклик билан ёндашади. Натижада мазкур омиллар ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришининг олдини олишга қодир бўлмайди ⁶⁸.

⁶⁷ Рапог А.И. Уголовное право России. Части Общая и Особенная. – М., 2005. С. 97.

⁶⁸ Павлов А.И. Субъект преступления. – М., 2007. С. 17–18.

Калтабинлик, ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган ҳисобга олишнинг асоссизлиги жиноий ўз-ўзига ишонишнинг асосий белгиси ҳисобланади. Шахс бу ҳолатларнинг ҳаракатчан ролини унутиши сабабли, биринчидан, ўз мақсадидан қайтмайди, иккинчидан, уни амалга ошириш учун ижтимоий хавфли воситаларни танлайди⁶⁹.

Ходимларнинг жиноят содир этишга эгри қасдидан ўз-ўзига ишонишнинг фарқи асосан руҳий элементнинг мазмуни билан белгиланади. Эгри қасда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига онгли равишда йўл қўйса, ўз-ўзига ишонишда субъект нафақат мазкур оқибатларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўймайди, балки аксинча, уларнинг юз беришига йўл қўймасликка ҳам ҳаракат қилади⁷⁰.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бепарволикда шахс хулқ-атворининг психологик механизми айбнинг бошқа шаклларидаги ҳаракатлардан деярли фарқ қилмайди. Мавжуд фарқлар руҳий эмас, балки норматив хусусият касб этади. Қандай қўшимча ижтимоий хавфли оқибатларни эҳтиётсизлик туфайли келиб чиқади, деб ҳисоблаш қонун чиқарувчига боғлиқ бўлади. В.В.Чуйкин фикрига кўра, фақат шу сабабдан субъектнинг оқибатларга руҳий муносабати ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Субъектив томоннинг атрофлича таҳлили мотив ва мақсадни аниқлашни ҳам тақозо этади. Шунини қайд этиш лозимки, мотив ва мақсад таҳлил қилинаётган жиноят таркибларининг зарурий белгиси ҳисобланмайди, лекин ҳар бир аниқ ҳолда уларни аниқлаш амалий аҳамият касб этади. Улар жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. жиноятнинг мотиви ва мақсади баъзан шахснинг ижтимоий ва ахлоқий хоссалари муайян даражада акс этувчи кўзга бўлиб хизмат қилади. Мотивнинг хусусиятини аниқлаш жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин у жиноят учун жазо тайинлашда

⁶⁹ Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 32.

⁷⁰ Рарог А.И. Уголовное право России. Части Общая и Особенная. – М., 2005. С. 98.; Рарог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М., 2001.

эътиборга олиниши мумкин. Жиноят мотиви ва мақсадининг жиноят-хукукий аҳамияти кўпгина олимлар эътиборини ўзига тортган. Бу муаммо асосан жиноятнинг субъектив томони сифатида жиноятларни квалификация қилиш ва ажратиш, ижтимоий хавфлиликни истисно этувчи барча ҳолатлар, жиноятни содир этиш босқичларини таҳлил қилиш, жиноий жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштириш нуқтаи назаридан ўрганилган.

Хулоса қилиб айтганда, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг жиноий хулқ-атворнинг ички моҳиятини ўзида ифодалайди. Бинобарин, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиги ва ғайриқонунийлигини англаш ҳам, уларнинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиш ҳам, мазкур оқибатларнинг юз беришини исташ ёки истамаслик ҳам юқорида зикр этилган моҳият доирасидан ташқарида англаб етилиши мумкин эмас.

Субъектнинг асл хоҳиш-истагини атрофлича ўрганиш йўли билангина унинг ўз ҳаракатларига ва уларнинг оқибатларига бўлган ҳақиқий муносабатини тушуниш мумкин.

3-БОБ. ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1-§. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификация қилиш муаммолари

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик, жумладан тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва Жиноят кодекси Махсус қисмидаги кўплаб нормалар ўртасида рақобат мавжуд. “Махсус нормалар рақобати бири бошқасининг тури ва хусусий кўриниши ҳисобланмаган, ўз навбатида, баъзи белгилари ўхшаш бўлган икки ёки ундан ортиқ махсус нормалар ўртасидаги муносабатда мавжуд бўлади”⁷¹. Шу сабабли ҳам амалиётда махсус қилмишни квалификация қилишда баъзи муаммоларга дуч келиш мумкин. Ҳар қандай қилмишни квалификация қилишда унинг ўхшаш жиноятлардан фарқловчи белгиларини аниқлаш, жиноят таркибини ҳар томонлама таҳлил қилиш, унинг таркибий элементларига хос бўлган жиҳатларини аниқлаш талаб қилинади.

Тадқиқ этилаётган жиноятларни квалификация қилиш учун айбдорнинг касб юзасидан қайси вазифаларини лозим даражада бажармаганлигини аниқлаш талаб этилади. Айни ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси фақат содир этилган қилмишда бошқа жиноят таркиби бўлмаган тақдирда қўлланилиши лозим. Республика бўйича ЖКнинг 116-моддаси билан 2020-2021-йилларда кўриб чиқилган 145 жиноят ишларидан 5 таси оқланган, 22 та иш тугатилган, 15 та иш бўйича суд ҳукмлари ўзгартирилган ва 15 та иш бўйича судларнинг ҳукмлари юқори судлар томонидан бекор қилинган.⁷² Ушбу таҳлиллар

⁷¹ Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 85.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг хати.

Жиноят кодексининг 116-моддасини квалификация қилишда бир қатор муаммолар ва камчиликлар учраб турганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси 116-моддасида кўзда тутилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти турли-туман қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган кўплаб махсус нормалар билан тўқнашади, масалан, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш (ЖК 113-моддаси), хавф остида қолдириш (ЖК 117-моддаси), шунингдек, ЖКнинг 207-моддаси (Мансабга совуққонлик билан қараш) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59¹-моддаси (аёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш) каби нормалар билан тўқнашади ҳамда квалификация қилишда муаммоларга дуч келинади.

Шахс касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТС юқтирилганда, қилмиш ЖК 116-моддаси билан эмас, балки ЖК 113-модда бешинчи қисми билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 майдаги Қонунига⁷³ кўра ЖК 113-моддасига янги бешинчи қисм киритилиб, унда шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ваҳоланки, бир неча сабабларга кўра бундай ўзгартиришнинг ЖК 113-моддасига киритилганлигини мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди.

Биринчидан, аввало ЖК 113-моддаси жиноятнинг қасддан содир этилишини кўзда тутса, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳар доим эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади. Бу ўз навбатида ушбу модда бўйича қилмиш субъектив томонини баҳолашда чалкашликларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ЖК 113-моддаси

⁷³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 161-модда.

барча қисмларида қасддан содир этиладиган жиноятлар тўғрисида сўз борсада, унинг бешинчи оғирлаштирувчи қисмида эҳтиётсизлик орқасидан қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги, бизнингча мантиққа зиддир. Иккинчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик махсус субъект томонидан содир қилинади. Бунинг учун жавобгарлик ЖК 116-моддасида кўрсатилган.

Учинчидан, қонунга бундай мазмундаги қўшимчанинг киритилиши назарий ва амалий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши табиий. Энг ёмони, суд-тергов амалиётида бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда чалкашликлар бир қилмишни бир неча моддалар билан жиноятлар **жами сифатида нотўғри** квалификация қилиниши натижасида жиноят қонуни принциплари бузилади. Шундай экан, бизнингча, юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида ЖК 113-моддаси бешинчи қисмини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бундай ҳолатларда яъни, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси тегишли қисми таъсир доирасига тушади. Шуларни инобатга олиб, бизнинг фикримизча, янги таҳрирдаги ЖК 116-моддаси 2-қисми “б” банди сифатида “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” ҳамда 3-қисми “б” банди сифатида “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” деб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қонун нормасининг мазкур таҳрирда ўзгартиш ва қўшимчанинг киритилиши юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

Юқоридаги ҳолатнинг ЖК 116-моддаси тўртинчи қисми “б” бандидаги “бошқача оғир оқибатлар” сифатида баҳоланмаслигининг асосий

сабаби унинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги, бу борадаги амалиётнинг шаклланганлиги ва энг муҳими, Жиноят қонуни Махсус қисми нормалари рақобатида муаммони тўғри ҳал этиш имкониятини бериши билан асосланади.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси ҳамда тақлиф этилаётган **ЖК 116¹-моддаси** тегишли қисми таъсир доирасига тушади.

Ушбу масала юзасидан, “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришида қилмишни бевосита ЖКнинг 113-моддаси 5-қисми билан эмас, балки, 116-моддаси билан квалификация қилиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга муносабатингиз?” деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 82 % “ЖК 116-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Чунки, қилмиш касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида содир этилади” деб жавоб беришган.

ЖК 116-моддасида алоҳида банд сифатида “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” деган бандни киритиш тақлифига сиз қандай баҳо берасиз? деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 92 % “Ҳа. Киритилиши керак. Чунки, ЖКнинг 113-моддаси бешинчи қисмидаги жиноят объектив томонига кўра, 116-моддада назарда тутилган қилмиш таркибига киради ва бу ҳолат жиноят қонунини қўллаш амалиётини мураккаблаштирмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ушбу камчиликни бартараф этишга ва ушбу моддани қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади”, деган жавобни беришган.

Аксарият хориж давлатларда (Россия, Арманистон, Қозоғистон, Беларус ва бошқа республикалар) “Тиббиёт ходимларининг касб

мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги” моддасининг ўзида тиббиёт ходимлари томонидан бошқа шахсга ОИВ/ОИТСни юқтириши оғирлаштирувчи қисм сифатида киритилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бизнинг фикримизча, ЖК 116-модда “касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаслик” моддасининг 2-қисмига “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши” ва 3-қисмига “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши” бандларини киритиш, шунингдек бевосита махсус субъект бўлган тиббиёт ходимлари учун таклиф этилаётган ЖК 116¹-модда “Тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик” моддасининг 2-қисмига “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши” ва 3-қисмига “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши” деган бандларини киритиш зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари, амалиётда жуда кўп ҳолларда ЖК 116-моддасида кўзда тутилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳамда хавф остида қолдириш (ЖК 117-моддаси) жиноятларини фарқлашда муайян қийинчиликлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Жиноят кодекси 116-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти махсус, яъни касбига кўра бирор мажбуриятни бажариши шарт бўлган (116-модда биринчи қисми) ёки қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахслар (116-модда иккинчи қисми) ҳисобланади, яъни, ЖК 116-моддасида жавобгарлик

белгиланган жиноятнинг субъекти ЖК хавф остида қолдириш (117-моддаси) субъектига нисбатан бирмунча тор доирадаги шахслар саналади.

Ҳар икки жиноятнинг объекти бир хил, яъни инсон ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлигидир. Бироқ, ЖК 116-моддаси иккинчи қисми жабрланувчиси алоҳида белгига эга бўлган бемордир, ЖК 117-моддани жабрланувчилар (ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахслар) доираси бирмунча кенгдир.

Объектив томондан ЖК 116-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят таркиби ҳаракатсизлик (бажармаслик) ёки аралаш ҳаракатсизлик (лозим даражада бажармаслик), шу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят таркиби эса, ҳаракатсизликда (ёрдам кўрсатмаслик) ифодаланади. Хавф остида қолдиришга нисбатан хавф остига солиб қўйишнинг ижтимоий хавфлилиги юқорироқ ҳисобланади⁷⁴. Шу жиҳатдан, ЖК 116-моддаси иккинчи қисми ва 117-моддаси объектив томони бир-бирига ўхшаб кетади. Ҳар иккала жиноят ҳам моддий таркибли бўлиб, жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир даражадаги шикаст етишини назарда тутлади.

Шунингдек, Э.О.Турғунбоев “ЖК 117-моддаси ва 116-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятларнинг объекти, объектив томони ва субъектив томонининг белгилари бир хил бўлиб, фақат субъектига кўра фарқ қилади. ЖК 116-моддаси иккинчи қисми субъекти касалга ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган шахслар бўлса, ЖК 117-моддасининг субъекти жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ёки ёрдамга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган шахслар ҳисобланади”⁷⁵, деб ёзади. Биз муаллифнинг бу фикрига қўшилмаймиз.

⁷⁴ Давлетмуратов С. Хавф остида қолдиришнинг субъектив томонини аниқлаш юзасидан айрим мулоҳазалар // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.107-111.

⁷⁵ Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятининг фарқ қилувчи белгилари. / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. 2010 йил № 1. – Б.114.

Чунки, ЖК 116 ва 117-моддалари объектив томони, жабрланувчининг хукукий ҳолати, жабрланувчи ва айбланувчи ўртасидаги муносабатга кўра ҳам фарқланади. Хусусан, биринчидан, ЖК 116-моддаси объектив томони аралаш ҳаракатсизлик (яъни ҳам ёрдам кўрсатади, лекин лозим даражада бўлмайди), ЖК 117-моддасида эса, бутунлай ҳаракатсизлик (умуман ёрдам кўрсатмайди) бўлади; иккинчидан, ЖК 116-моддаси иккинчи қисми бўйича жабрланувчи касал ҳисобланса, ЖК 117-моддаси бўйича ҳар қандай шахс жабрланувчи бўлиши мумкин; учинчидан, ЖК 117-моддасида айбдор жабрланувчини шу аҳволга солган бўлиши лозимлиги ҳолати ҳам инобатга олинган, ваҳоланки ЖК 116-моддасида бундай аломат мавжуд эмас.

Шунингдек, юридик фандар доктори, профессор М.Х.Рустамбаев кўйидагича изоҳ берган, “Айбдор жабрланувчига ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган ҳоллардагина ЖКнинг 117-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарлик вужудга келади. Бунда мажбурият қонунда назарда тутилган (масалан, онанинг ўз боласига ғамхўрлик қилиш мажбурияти) ёки шартномада мустақкамланган бўлиши (масалан, касалга қаровчи ҳамширанинг касалга қараш бўйича мажбуриятлари), шунингдек, шахснинг касбидан келиб чиқиши мумкин (масалан, қутқарувчининг, мактабгача таълим мауассасалари ходимларининг мажбуриятлари)”⁷⁶.

Масалан, Бердимуратов Сулаймон Самадович Олтинсой туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги туғруқхона бўлимида мудир бўлиб ишлаб келиб, 2020 йил 30 апрель кунидан 1 май кунига ўтар кечаси бўлимда навбатчиликда ўз хизмат вазифасини олиб бораётган вақтида, 3-туғруқ, 39 ҳафталик ҳомиладорлик билан келган Умбарова Махбуба Мардаевнани 2020 йил 1 май куни соат 01.00да қабул қилиб олганидан сўнг ўз касбига нисбатан бепарволиги туфайли ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан яъни ҳомиладор М.Умбарованинг алмашув картасида унинг қон гуруҳи кам учрайдиган ОаВ (I) Rh-манфий резус факторли эканлиги

⁷⁶ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. : – Ташкент: “Адолат”, 2016. – Б. 93.

кўрсатилган бўлсада, бунга эътибор қаратмасдан, ушбу тоифадаги қон захирасини топиш чораларини кўрмаганлиги, зудлик билан беморнинг умумий қон, биохимик ва сийдик таҳлили натижаларини олиб, тор мутахассислар (невропатолог, уролог, терапевт, инфекционист, гематолог ва ҳақ)ни чақиртириб, беморни кўриқдан ўтказмаганлиги, кўриқ ва таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда туғруқ режасини ишлаб чиқиб, миллий стандартлар бўйича ҳомиладор аёлни ҳар 4 соатда қин орқали текширмаганлиги натижасида ҳомиладор М.Умбаровага нотўлиқ ташхис қўйилиб, бемордаги гипокоагуляция ҳолати, яъни қон кетишга мойиллик касаллиги эрта аниқламаганлиги, туғиш тактикасини нотўғри олиб борилганлиги оқибатида бемор М.Умбаровада туғруқдан сўнг қон ивимаслиги туфайли қон кетиши тўхтамаслиги ҳолати кузатилишига, беморда бачадонни олиб ташлаш операциясини ўтказиш жараёнида ўз вақтида ушбу гуруҳ ва резус фактордаги қон захираси тайёрлаб қўйилмаганлиги, ушбу турдаги қон топилғунига қадар қон плазмаси қўйилмаганлиги натижасида 2020 йил 1 май куни соат 16.00да бемор М.Умбарованинг ички қон кетишидан вафот этишига сабабчи бўлган. Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Бердимуратовнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлимига сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблаган ва С.Бердимуратовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топган. Демак, мазкур ҳолатда беморга лозим даражада эътибор бермаслиги, тўлиқ текширмаганлиги ҳамда касбини лозим даражада бажармаганлиги учун айбли деб топилган.

Бироқ ЖК 116 ва 117-моддаларида назарда тутилган жиноятларни қонунда назарда тутилган мазкур белгилари асосида фарқлаш етарли эмас. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Масалан, шифокор беморни

операция қилиш жараёнида, унинг яқинлари талаб қилинган пулни олиб келмаганлиги учун беморни оғир аҳволда ташлаб қўяди. Натижада операция охирига етказилмай бемор вафот этади. Ушбу ҳолат қандай квалификация қилиниши зарур, деган савол туғилади.

Агар ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда қилмишга баҳо берилса, ЖК 117-моддаси билан квалификация қилиш мумкин бўлади. Чунки, операция жараёнида шифокор ўз миқдори хавфли аҳволга солиб қўяди, бу эса унинг ўлимига сабаб бўлади. Бу қилмиш ЖК 117-моддаси объектив томонининг зарурий белгиларини ўзида ифода қилади. Бироқ ижтимоий хавфли қилмиш натижасида зарар кўрган ижтимоий муносабатлар доираси ЖК 116-моддаси билан ҳимоя қилинадиган объектга мувофиқ келади. Яъни корхона, муассаса ва ташкилотларнинг обрўси, нормал иш фаолияти, зарар кўради. Муаммо шундаки, қилмишнинг объекти бир модда доирасига, объектив томони эса, бошқа модда доирасига тушиб қолмоқда. Айнан ушбу муаммони олдини олиш учун касб фаолияти билан боғлиқ хавф остида қолдириш билан боғлиқ бўлган қилмишларни ҳам ЖК 116-моддаси **диспозицияси доирасида акс эттирилиши лозим.**

Тиббиёт ходимларининг касбий вазифаларини белгилашда буларнинг барчасини эътиборга олиш ва тиббий фаолият тушунчасининг мазмунидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. У беморларни даволаш билан боғлиқ муайян вазифалар – текшириш, ташхис қўйиш, тегишли муолажани тайинлаш, жарроҳлик аралашувини амалга ошириш ва ҳоказолар эмас, балки, турли тиббий ҳужжатларни расмийлаштиришни (беморнинг амбулатория ва стационар картасини юритиш, рецептлар ёзиб бериш, маълумотномалар, йўлланмалар бериш ва ҳоказоларни) ҳам қамраб олади. Бундай ҳолларда тиббиёт ходими ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўладиган, ташкилий-бошқарув ҳаракатларига яқин турадиган, яъни сиртдан мансабдор шахснинг белгиларига ўхшаш бўлган муайян ҳаракатларни бажаришига қарамай, аслида у мансабдор шахс ҳисобланмайди ва ўзининг беморларни даволаш борасидаги касбий вазифаларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг мансабга совуққонлик билан қараш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган 207-моддасига мувофиқ ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зиён етказилишига сабаб бўлган, лўнда қилиб айтганда, ўзларининг ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик хусусиятига эга бўлган касбий вазифаларини лозим даражада бажармасликда айбдор бўлган тиббиёт соҳасидаги мансабдор шахслар (шифохонанинг бош шифокори, бирон-бир бўлим бошлиғи ва шу кабилар) жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификация қилиш учун айнан қайси касбий ёки мансаб вазифалари бузилганлигини тўғри аниқлаш талаб этилади. Масалан, жарроҳлик бўлимининг бошлиғи беморни операция қилар экан, ўз лавозими бўйича маъмурий-хўжалик ёки ташкилий-бошқарув вазифаларини эмас, балки беморни даволаш борасидаги касбий вазифаларини амалга оширади. У касб юзасидан ўз вазифаларини бўлим бошлиғи сифатида эмас, балки жарроҳ сифатида лозим даражада бажармайди. Бинобарин, жиноий қилмишни квалификация қилиш тўғрисидаги масалани ечишда айни шу ҳолатдан келиб чиқиш зарур. Шунга қарамай, тиббиёт ходимини мансабдор шахс деб эътироф этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари ҳам олимлар томонидан танқид қилинган. Масалан, Г.Н.Борзенков тиббиёт ходимлари жабрланувчи учун оғир оқибатларга сабаб бўлган ўз қилмишлари учун ЖКнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга доир моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари лозим⁷⁷, деб ҳисоблаган. Баъзи манбаларда: “Шифокорлар у ёки бу муассасаларнинг хизматчилари ҳисобланадилар ва муайян

⁷⁷ Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. – М.: «Зерцало-М», 2006. – С. 228.

лавозимларни банд этадилар, шу туфайли ҳам улар ўз касб-кори муносабати билан эмас, балки хизмат бўйича вазифаларини бажаришлари муносабати билан мансабдор шахслар деб топилишлари ва суиистеъмол учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин”⁷⁸, деб таъкидлаган.

Юқорида баён этилганлар тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини бажариш чоғида мансабдор шахсларга хос бўлган ташкилий-бошқарув ваколатларига ҳам, маъмурий-хўжалик ваколатларига ҳам эга бўлмайдилар, бинобарин, мансабга совуққонлик билан қараш учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Шу билан бир қаторда умумий қоидадан истисно ҳолатлар мавжуд бўлишини ҳам таъкидлаш лозим. Жумладан, тиббиёт муассасасининг мансабдор шахси жарроҳлик учун пора олиб, сўнг ўз вазифаларини лозим даражада бажармай, унинг қилмиши беморнинг ўлимига сабаб бўлса, унинг ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилиниши керак. Чунки, бу ерда икки мустақил жиноят таркиби (пора олиш ва касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) мавжуд.

Ўзбекистон Републикаси ЖКнинг 116 ва 207-моддаларини фарқлашда муҳим мезон мансабдор шахснинг мансаб вазифасини ёки касб вазифасини бузганлигини аниқлашдан иборат. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, бош шифокор – мансабдор шахс, унинг касби эса, жарроҳлик ёки терапевт ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Башарти, бош шифокор мансаб вазифасини бузса, ЖК 207 моддаси, касб вазифасини бузса, ЖКнинг 116-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу масалага нисабатан янада ойдинлик киритиш мақсадида суд-тергов органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, “Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик

⁷⁸ Борчашвили И.Ш. Субъект преступления. Учебное пособие. – Алматы: Жеті-жаргы, 2007. – 96 с.; Волкова Т.Н. Субъект преступления : учебное пособие. – Вологда : Издательство ГУ Вологодский ЦНТИ, 2005. – 76

мансабдор шахс томонидан ўз касбига кирувчи вазифаларни бажармаган ҳолатда содир этилса қандай квалификация қилинади?” деган саволга сўровда иштирок этган респондентларнинг 43 % бундай ҳолатда қилмишни ЖК 116-моддаси, ҳам 207-моддаси билан жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинишини таъкидлашган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддасини ЖК 207-моддасидан фарқловчи асосий белги унинг субъекти билан боғлиқ бўлиб, ЖК 207-моддаси мансабдор шахсларнинг мансаби юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари билан боғлиқ ҳаракатсизликлари учун жавобгарлик белгиланади.

Шундай қилиб, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг махсус объекти ЖК Махсус қисми биринчи бўлимида кўзда тутилган нормалар билан қўриқланадиган шахсни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар. Мазкур жиноятнинг турдош объекти шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятнинг асосий бевосита объекти касб юзасидан шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар. ЖК 116-модда иккинчи қисми асосий бевосита объекти қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ, касалга ёрдам кўрсатишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг кўшимча бевосита объекти – шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи ҳисобланади. Жиноят кодекси 116-моддасининг субъекти махсус, яъни касбига кўра бирор мажбуриятни бажариши шарт бўлган (116-модда биринчи қисми) ёки қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахслар (116-модда иккинчи қисми) саналади. Яъни, ЖКнинг 116-моддасининг субъекти ЖК 117-моддаси субъектига нисбатан бирмунча тор доирадаги шахслар саналади. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти субъектив томондан эҳтиётсизликдан содир этилади.

Жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (тиббиёт ходими, электр ходими, спорт мураббийлари, ёнғин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиация соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпаз, сартарош, газ таъминоти ходими ва б.қ.) нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят ҳуқуқида аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди.

3.2-§. Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини олдини олиш чоралари ва жавобгарликни такомиллаштириш масалалари

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги тегишли корхона, ташкилот ва муассасанинг обрўсига ҳам путур етказди. Бу муаммо илмий-техника тараққиёти ҳамда мутахассис кадрларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар ошиб бораётган ҳозирги давр шароитларида алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Шахснинг ўз касбий вазифаларига бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши баъзан бошқа фуқаролар умрига зомин бўлмоқда, уларнинг саломатлигига зарар етказмоқда, чунончи, 2008 йил Наманган вилоят болалар шифохонасида тиббиёт ходимлари томонидан жами 89 нафар болаларга ОИВ касаллиги/ОИТСни оммавий юқтириши⁷⁹, 2008 йил Наманган шаҳар болалар шифохонасида тиббиёт ходимлари томонидан жами 56 нафар болаларга ОИВ касаллиги/ОИТСни оммавий юқтириши⁸⁰,

⁷⁹ Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 1-81-2009 йил сонли архив материаллари.

⁸⁰ Жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 1-38-2009 йил сонли архив материаллари

2008 йил Наманган туман юқумли касалликлар шифохонасида тиббиёт ходимлари томонидан жами 10 нафар болаларга ОИВ касаллиги/ОИТСни оммавий юқтириши⁸¹ каби фожиали воқеалар ҳам сўзимизни тасдиқлайди. Сўнгги йилларда бундай ҳолатлар сони кўпайиб бораётганлиги ҳам касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини белгилайди.

Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касб вазифаларини бажариши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай вазифаларни бажармаганлиги баданга оғир шикаст ёки одам ўлимига сабаб бўлиши ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфини оширишига сабаб бўлади.

Шунингдек, айтиш жоизки, охириги йилларда касб юзасидан вазифаларини бажармаслик оқибатида жабрланувчиларнинг ҳалок бўлиши ва уларнинг соғлиғига шикаст етказиш ҳоллари кўпаймоқда.

Мазкур жиноятларни содир этишда айбдор бўлган ходимлар баъзан жазосиз қоладилар ёки уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазолар тайинланади. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, кўриб чиқиляётган жиноят билан транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар, кўп сонли қурбонларга олиб келувчи бошқа жиноятлар ҳам ижтимоий хавфлилик даражасига кўра бир хил жиноятлар тоифасига киради, аммо уларни содир этишда айбдор шахсларга, касб ходимларидан фарқли ўлароқ, ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлгани учун амалда кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланади. Юқорида келтирилганлар касб юзасидан вазифаларини бажармаслик жинояти учун жазо тайинлаш амалиётини, шунингдек мазкур турдаги жиноятининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни илмий-ҳуқуқий ўрганиш заруриятидан далолат беради.

⁸¹ Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 1-263-2009 йил сонли архив материаллари.

Таъкидлаш лозимки, бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ-503-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 59¹-модда билан тўлдирилиши муҳим профилактик аҳамиятга эга.

Махсус профилактика кенг маънода режалаштириш, бошқариш, прогноз қилиш, жинойтчилик сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишни қамраб олади. Уларга, жумладан, алкоголизм, гиёҳвандликка қарши кураш, ижтимоий муҳит яхши бўлмаган оилаларга ёрдам қилиш, тарбиявий ишлар олиб бориш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш кабилар киради. Махсус профилактика чоралари тор маънода аниқ жинойт қилмишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф қилишга йўналтирилган бўлиб, унга жинойтни тергов қилиш, уларни ҳукм қилиш ва жазони ўташ жараёнида эришилади. Ушбу фаолият субъектлари – прокуратура, суд, ички ишлар органлари ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси бўйича республика судларида кўрилган жинойт иши материаллари ўрганилганда, ушбу жинойт субъекти сифатида асосан тиббиёт ходимлари (94%), айрим ҳолларда (6%) эса бошқа касб вакиллари (МТМ ходими, электр тармоғи ва ҳк.) кабилар жинойт жавобгарликка тортилганлигининг гувоҳи бўлди. Демак, таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинойти аксарият ҳолларда тиббиёт ходимлари томонидан содир қилиниб, бошқа касб вакилларининг мазкур қилмишни содир қилганлик ҳолатлари камдан-кам кузатилади.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, амалдаги Жиноят кодексига янги 116¹-модда, яъни, “Тиббиёт ходимини ўз касбини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик” номли алоҳида модда киритиш лозим. Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда турли хилдаги касалликлар кўпайиб кетиши билан биргаликда, даволаб бўлмайдиган ёки даволаниши қийин бўлган касалликлар (ОИВ/ОИТС, саратон, сил, гепатит ва бошқа)га чалинаётган беморлар сони ортиб бормоқда. Шу сабабли тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини белгилаш бўйича янги махсус нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг асосан (94%) тиббиёт ходимлари томонидан содир этилишини инобатга олиб, тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг олдини олиш бўйича қуйидагича умумий ва махсус чораларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Тиббиёт ходимлари томонидан содир этиладиган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг олдини олиш бўйича умумий чора-тадбирлар:

1) мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиш амалиётини ўрганиш, ушбу жиноятнинг жабрланувчилари ҳисобланган ёш болалар, шу жумладан янги туғилган чақалоқларга нисбатан кўп содир этилаётганлигини инобатга олган ҳолда ёш болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш;

2) тиббий хизмат кўрсатишга дахлдор қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шу билан бир қаторда жарроҳлик операцияларини амалга ошириш тартиби бўйича махсус қонун ҳужжати ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

3) фуқароларнинг ўз касбига бўлган муносабатини яхшилаш, масъулиятини ошириш, мижозлари билан муомала қилишда жонкуяр ва

эътиборли бўлишни таъминлаш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

4) кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, айниқса, тиббиёт ходимларига қўйиладиган талабларни, шу жумладан уларга нисбатан касбий ва шахсий фазилатлар билан боғлиқ талабларни янада кучайтириш;

5) судлар томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ жиноят ишлар кўриб чиқилганда мазкур жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича хусусий ажрим чиқариш амалиётидан унумли фойдаланишни таъминлаш;

6) тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари жараёнида уларнинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлишдан жабрланган барча беморларнинг касаллик варақаларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

7) тиббиёт муассасаси ва бемор, унинг қариндошлари ўртасида ёзма шартнома тузилишининг, унда шартнома шартларини бажаришда иккала тарафнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва юридик жавобгарлиги кўрсатилишининг мажбурийлигини назарда тутиш;

8) бемор шифокорга мурожаат этган пайтдан бошлаб, амалга оширилган даволашдан кейинги зарурий тушунтиришлар ва тавсиялар бериш, даволаш жараёнини муҳокама қилиш амалга оширилганини исбот қилиш учун беморга ахборот бериш жараёнини ҳужжатлаштириш;

9) Хорижий мамлакатлар (АҚШ, Австралия, Канада) тажрибасини эътиборга олиб, тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари туфайли тиббий ёрдам кўрсатишнинг кўнгилсиз оқибатлари ҳақида маълумотларнинг электрон банкини ташкил этиш;

10) тиббиёт ходими даволашнинг зарурий таомиллар билан ўз вақтида тўғри бажарганлигини исботлаш учун барча кўриқдан ўтказишларни ҳужжатлаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқилган стандартларга қатъий риоя этиши.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг криминологик таҳлили ушбу жиноятнинг асосан тиббиёт ходимлари томонидан содир этилишини инобатга олган ҳолда мазкур касбнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, юқоридаги умумий ва махсус профилактика тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Шу жиҳатдан ҳам ушбу таклиф ва мулоҳазалар касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини олдини олишда:

биринчидан, тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини белгилаш бўйича амалдаги жиноят қонунчилигида беморга тиббий ёрдам кўрсатмаслик ёки лозим даражада тиббий ёрдам кўрсатмаганлик учун алоҳида жиноят таркибини белгилаш орқали бу каби қилмишлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш;

иккинчидан, тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини ошириш;

учинчидан, тиббиёт соҳасидаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги жиноят содир этилишига йўл қўядиган “бўшлиқ”ларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

тўртинчидан, бу турдаги жиноятларнинг содир этилиш механизмини ҳамда жиноят жабрланувчиларининг шахсини аниқлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси учинчи қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлимига сабаб бўлганда жиноий жавобгарлик келиб чиқиши назарда тутилган. Яъни бу ўринда иккита ҳолатга алоҳида тўхталиш ўринли бўлади, биринчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги; иккинчидан, қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги натижасида одам ўлиши тарзидаги оқибатлар юз берган бўлса, қилмиш ЖК 116-моддаси учинчи қисми бўйича квалификация қилинади. Яна шуни ҳам алоҳида айтиш жоизки, ушбу ҳолатда қилмишни ЖК 102-моддаси (эҳтиётсизлик

орқасида одам ўлдириш) билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Бу ўринда ҳам одам ўлими тарзидаги оқибат айнан шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги оқибатида келиб чиққанлиги аниқланиши зарур. Қилмиш ва оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлганидагина қилмиш ЖК 116-моддаси учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Тадқиқот давомида ўрганилганда, амалиётда ЖК 116-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноят ишлари деярли қўзғатилмаяёт-ганлигини кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабаби тиббиёт ходимлари ЖК 116-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида кўзда тутилган оқибатлар келиб чиққанида жавобгарликка тортилиши билан изоҳлаш мумкин. Яъни, қилмиш ЖК 116-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган субъект – тиббиёт ходимлари томонидан содир этилади ва жиноят натижасида ЖК 116-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида кўзда тутилган оғирроқ оқибатлар келиб чиқади

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик кўпинча тиббиёт ходимлари томонидан содир этилади ва айбдор ЖК 116-моддаси учинчи қисми билан жавобгар қилинади. Масалан, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг очик суд мажлисида Б. ЖК 116-моддаси учинчи қисми билан айбдор, деб топилган. У шаҳар поликлиникасида шифокор бўла туриб, А.га гўёки шифохонада унинг касаллигига қарши дори (кутириш касаллигига қарши воситалар) йўқлигини рўқач қилиб, беморга ёрдам кўрсатиши шарт бўлсада, узрли сабабларсиз зарур тиббий ёрдам кўрсатмаганлиги оқибатида вояга етмаган А. қутуриш касаллигига чалиниб, оғир шаклдаги қутуришдан вафот этган⁸².

⁸² Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг 2008 йил архив матераллари

ЖК 116-моддаси тўртинчи қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида: а) одамлар ўлимига; б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлганда жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни, жиноят натижасида одамлар ўлган ёки бошқача оғир оқибатлар рўй берган бўлса, айбдор ЖК 116-моддаси тўртинчи қисми билан жавобгарликка тортилади.

Одамлар ўлими – икки ёки бундан ортиқ кишиларнинг ҳалок бўлишидир. Бошқача оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказилиши ёки суд томонидан оғир оқибат сифатида баҳоланиши мумкин бўлган бошқа оқибатларнинг юз беришидир.

Айбдорнинг қилмишини ЖК 116-моддаси тўртинчи қисми билан квалификация қилиш учун содир этилган жиноят ва жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг юз бериши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш лозим. Жиноят субъектининг ана шу оқибатларга нисбатан айби эҳтиётсизликда ифодаланади.

Агар айбдор бўлган шахснинг жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар юз беришига нисбатан тўғри қасддан ҳаракат қилса, бундай ҳолларда унинг қилмиши иш ҳолатларига кўра Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган тегишли моддалари билан квалификация қилинади.

Шуни қайд этиш жоизки, Республика бўйича 200 та жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмлар таҳлил қилиниб, жабрланувчилар ўрганилганда, мазкур жиноят тиббиёт ходимлари томонидан аксарият ҳолларда вояга етмаганларга, чақалоқларга (46 %), шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир неча фуқарога нисбатан содир этилганлиги аниқланди.

Бизнингча, шуларни эътиборга олиб амалдаги ЖК 116-моддасига қилмишнинг вояга етмаганларга, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, шунингдек икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилишини алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш зарурати мавжуд.

Демак, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолатлари мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада оширувчи ва унинг квалификациясига бевосита таъсир кўрсатувчи, шунингдек, ЖК 15-моддаси бўйича мазкур жиноят таснифини ўзгартирувчи ҳолатлардир.

Мазкур қилмишнинг эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаб ҳам мазкур жиноятни содир этган шахс ахлоқини қайта тарбиялаш имконияти мавжудлигидан келиб чиқиб, қолаверса инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мувофиқ тегишли жиноий жазоларни либераллаштириш, хусусан ЖК 116-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун ҳам жарима тариқасидаги моддий аҳамиятга эга жиноий жазо чорасини киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 116-моддаси 3-қисми ва 4-қисми билан оғирлаштирувчи ҳолатларда яъни тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифасини лозим даража бажармаслик жиноятини содир эти, одам ёки одамлар ўлимига сабаб бўлса, тиббиёт ходимини бошқа ушбу фаолият билан шуғлланишини умуман чеклаш керак. Яъни, бу борада асосий жазо билан бирга муайян ҳуқуқдам маҳрум қилиш жазосини асосий жазо билан бирга қўшиб тайинлаш керак ва ЖК нинг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак деб ҳисоблайман.

ХУЛОСА

Тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш ва унинг юридик таҳлилига бағишланган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ва таклифларга келинди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қродекси 116-моддаси 4-қисми “б” бандида бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади деб белгиланган. Ваҳоланки, мазкур модданинг 3-қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлса, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади деб кўрсатилган. Бундан шуни англаш мумкинми, одам ўлимидан ҳам оғир оқибат борлиги ҳамда санкцияси оғирроқ эканлиги кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур оғир оқибатлар нима эканлигига аниқлик киритилиши лозим ҳамда мазкур модда қисмларини санкцияларини яъни жазо муддатлари ўзгартирилиши керак деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, ЖК 116-моддаси биринчи қисми диспозицияси тузилишида ижтимоий хавфлилиги турлича бўлган баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш каби оқибатлар бирлаштирилган. Шунинчунга олиб, ЖК 116-моддаси биринчи қисми диспозициясидаги жиноий оқибатлар сифатида баданга **ўртача оғир ва оғир шикаст** етказиш кўринишидаги оқибатларни ажратиш ҳамда оғир шикастни иккинчи қисм қилиб киритиш лозим.

Иккинчидан, ЖК 116-моддаси учун жазо қўллашда, жазонинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлар қонунчилигида ушбу норма учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси узоқ вақтдан буён самарали амал қилиб келаётганини инобатга олиб, амалдаги **ЖК 116-моддаси учун муайян ҳуқуқдан маҳрум**

қилишни нафақат асосий жазо, балки бошқа жазоларга қўшимча жазо сифатида ҳам мустақкамлаш зарур. **Шу билан бирга**, 116-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларига **муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб**, йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади деб ўзгартириш киритилиши керак. Сабаби, ушбу жиноят махсус субъектли бўлиб, фуқароларнинг ўз касбларига нисбатан бепарволиги, инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли келиб чиқишини ҳисобга олиб, бундай қўшимча жазо жиноятчини ахлоқан тузатишга хизмат қилиши асосланган.

Учинчидан, Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси ҳамда таклиф этилаётган ЖК 116¹-моддаси тегишли қисми таъсир доирасига тушади. Хорижий давлатларда (жумладан, Россия, Беларусь, Арманистон ва Қозоғистон республикалари) тиббиёт ходимларининг касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган модданинг ўзида тиббиёт ходимлари томонидан бошқа шахсга ОИВ/ОИТСни юқтириши оғирлаштирувчи қисм сифатида киритилган. Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖК 116-моддасининг 2-қисмига “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” ва 3-қисмига “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши”, шунингдек бевосита махсус субъект бўлган тиббиёт ходимлари учун таклиф этилаётган **ЖК 116¹-моддаси** “Тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик” моддасининг 2-қисмига “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” ва 3-қисмига “Шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим

даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” деган бандларини киритиш кераклиги ҳамда амалдаги **ЖК 113-моддасидан бешинчи қисмини чиқариш таклиф этилади.**

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган субъектлар доирасини аниқ белгилаш ижобий натижа беради. Чунки кўплаб хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айнан қайси касб егалари жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган, Тадқиқот мавзусида доирасида яъни тиббиёт ходимларининг ўз касбини лозим даражада бажармасликни **алоҳида модда** сифатида қонунчиликка ўзгартириш киритиш;

Шунга кўра, ЖКни янги 116¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади: “116¹-модда. **Тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги** қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги ёки лозим даражада ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки юз соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

б) шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликдан чеклаш;

Ўша қилмиш эҳтиётсизлик орқасида:

а) одам ўлишига;

б) шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши;

в) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш эҳтиётсизлик орқасида одамлар ўлимига сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”

Бешинчидан, Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятидаги хатоларга йўл қўйилишининг олдини олиш учун тиббиёт ходими, биринчидан, ўтказилган барча текширувларни ва уларнинг натижаларини тўлақонли амалга оширганини исбот қилиш учун тўлиқ ҳужжатлаштириши; иккинчидан, бемор тиббиёт ходимларига мурожаат этган пайтдан бошлаб амалга оширилган даволашдан кейинги зарурий тушунтиришлар ва тавсиялар бериш, даволаш жараёнини ва беморга **ахборот бериш жараёнини ҳужжатлаштириши** лозимлиги асосланган.

Шунингдек, Жиноят кодекси 116-моддаси 2-қисмида кўрсатиб ўтилган узрли сабабсиз ёрдам кўрсатмаслик жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Таклиф сифатида айнан қандай ҳолатлар узрли сабаблар эканлиги аниқлаштирилиши лозим. **(Масалан, техник авариялар, оммавий тартибсизликлар, табиий офат, охириги зарурат ҳолати, дори воситаларининг етишмаслиги ва ҳ.к)**

Олтинчидан, тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини

лозим даражада бажармасликлари туфайли тиббий ёрдам кўрсатишнинг кўнгилсиз оқибатлари ҳақида маълумотларнинг очиклигини таъминлаш мақсадида маълумотларнинг **электрон базасини** ташкил этиш таклиф этилган.

Еттинчидан, Айрим давлатлар (Россия Федерацияси) жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик хавф остида қолдириш жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида бириктирилган бўлса, бошқа давлатларда (Беларусь Республикаси) аксинча ушбу жиноят бир неча модда доирасида баён этилган, дейиш мумкин. Хорижий мамлакатлар ЖКнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ моддаларни мамлакатимиз қонун нормалари билан қиёсий таққослаш ва таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди. Яъни, биринчидан, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунида тиббиёт соҳасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада **бажармасликнинг вояга етмаганларга нисбатан** содир этилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу ижобий тажрибадан бизнинг мамлакатимизда ҳам фойдаланиб, вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг иккинчи қисмига **оғирлаштирувчи ҳолат** сифатида шундай қилмишнинг вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур таклиф этилаётган нормаларнинг жиноят қонунчилига акс этиши, албатта келгусида жиноятни квалификация қилишда ва жиноятни тезкор очишда ҳамда мазкур соҳада жиноятчиликни олдини олишда ўз самарасини кўрсатмасдан қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1.1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 488 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент:Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

1.3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь.- Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

1.4. Мирзиёев Ш.М.Конституция–эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 9 декабрь.

1.5. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайти.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

1.7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.– 508 б.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини 29 йиллигига бағишланган байрам табриги маъруза // www.president.uz– Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати.

II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 80 б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2021. – 388 б.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // www.lex.uz –Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги № 256-1 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996-й., № 9 сон.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлиғини сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ–528-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 03/19528/2741-сон.

2.6. Уголовный кодекс Франции. – М.: Изд-во «Юрид. центрпресс», 2018. – С. 60.

2.7. Уголовный кодекс Украины. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.

2.8. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.

2.9. Уголовный кодекс Грузии. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018. –С.233.

2.10. Уголовный кодекс Кыргызской Республики –Б.: Академия, 2022. –С. 176.

2.11. Уголовный кодекс Республики Армения. Пер. с арм. Азарян Е.Р. – М.: Юрид. центр пресс, 2018. – С. 446.

- 2.12. Уголовный кодекс Республики Беларусь. – Мн.: Амалфея, 2018.
- 2.13. Уголовный кодекс Республики Казахстан. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2022. – С. 466.
- 2.14. Уголовный кодекс Республики Корея. / Науч. Редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. А.И.Коробеева. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2018.
- 2.15. Уголовный кодекс Республики Молдова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2021.
- 2.16. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. – Душанбе: Ирфон, 2021. С. 325.
- 2.17. Уголовный кодекс Российской Федерации. – М.: ГроссМедиа, 2021.
- 2.18. Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2021.
- 2.19. Уголовный кодекс Эстонской Республики / науч.ред.и пер. с эстонского В.В.Запевалова; вступ.статья канд. юрид. наук, доцент СПбГУ Н.И.Мацнева – СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.
- 2.20. Уголовный кодекс Болгарии. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2017. – С. 75.
- 2.21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // Олий Мажлис ахборотномаси, 1998 й. 10-11-сон, 204-м.
- 2.22. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 52сон, 511-модда.
- 2.23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ–2863-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 217-модда.

2.24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги “Шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморларни шифохонага ётқизиш тўғрисида”ги Қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 22-23-сон, 265-модда.

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

3.1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-том: Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. – Ташкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – Б. 126-129.

3.2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. 2-том: – Ташкент: “Адолат”, 2021. – Б. 113.

3.3. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик / Масъул муҳаррир: проф. М.Х.Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 240.

3.4. Закирова У. Жиноят мотиви ва мақсадининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.116-121.

3.5. Турғунбоев Э.О. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятининг фарқ қилувчи белгилари. / Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. 2010 йил № 1. – Б. 113-114.

3.6. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 59-61.

3.7. Алланова А.А. Жиноят ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг ўзаро алоқадорлиги. Монография. Масъул муҳаррир: проф. Р.А.Зуфаров. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 119 б.

3.8. Асланов Р.М., Бойцов А.И. Уголовный кодекс Республики Беларусь. – М.: Изд-во «Юрид. центр пресс», 2017. – С. 474.

3.9. Ахроров Б.Ж., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида айб ва унинг белгилари. // Жиноят процесиди айбга иқдорлик битими мавзусидаги илмийназарий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 73- 83.

3.10. Бердичевский Ф.Ю Уголовная ответственность медицинского персонала за нарушение профессиональных обязанностей. М., 1999. – С. 76.

3.11. Бондаренко Д.В. К вопросу о юридической ответственности медицинских работников // Медицинское право. 2006. №4.

3.12. Хайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. Монография: - 2021 й.

3.13. Каримов Х. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят субъекта мезонларининг ахамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.149-154.

3.14. Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. – М.: Зерцало-М, 2006. С. 95–100.

3.15. Вершинин А.С. Особенности уголовной ответственности медицинских работников, связанные с их профессиональной деятельностью. – Томск: НИ ТГУ, 2018. – С. 104.

3.16. Григорьев М.Ю., Сергеев Ю.Д., Григорьев Ю.И. Медицинские основы деятельности врача. – М.: Медицина, 2006.

3.17. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 253-254.

3.18. Кабулов Р. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Чизмалар альбоми. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б.36.

3.19. Манчев Н. Преступления против живота и здравето на човека. – София: Наука и искусство, 2004. – С. 235.

3.20. Тоҳиров Ф. Жиноят қонуни либераллашуви – суд-ҳуқуқ

ислоҳотларининг муҳим йўналиши ҳамда конституциявий ҳуқуқлар кафолати сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №8. – Б. 77-78.

3.21. Andrew Scanlon. Maria Murphy. Medical futility in the care of non-competent terminally ill patient: nursing perspectives and responsibilities/ Australian Critical Care. Volume 27, Issue 2, May 2014, Pages 99-102.

ИЛОВАЛАР

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ

№	Амалдаги таҳрири	Янги таҳрир	Асослантириш
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси			

<p>1.</p>	<p>113-модда. Таносил ёки ОИВ касаллиги / ОИТСни тарқатиш.</p> <p>Била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:</p> <p>а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;</p> <p>б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, – уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш</p> <p>–</p> <p>беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум</p>	<p>113-модда. Таносил ёки ОИВ касаллиги / ОИТСни тарқатиш.</p> <p>Била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:</p> <p>а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;</p> <p>б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, – уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси ҳамда таклиф этилаётган ЖК 116¹моддаси тегишли қисми таъсир доирасига тушади. Юқоридагиларни инобатга олиб, бизнинг фикримизча, ЖК 116-модда. Касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаслик моддасининг 2-қисмига шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши ва 3-қисми б) бандига шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши, шунингдек бевосита махсус субъект бўлган тиббиёт ходимлари учун таклиф этилаётган ЖК 1161-модда Тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик моддасининг 2-қисмига шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши ва 3-қисми б) бандига шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши деган бандларини киритиш зарур ҳисобланади. Аксарият хориж давлатларда (Россия, Беларус Республикаси, Арманистон, Қозоғистон) “Тиббиёт ходимларининг касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги” моддасининг ўзида тиббиёт ходимлари томонидан бошқа шахсга ОИВ/ОИТСни юқтириши оғирлаштирувчи қисм сифатида киритилган.</p>
-----------	--	---	--

	<p>қилиш билан жазоланади.</p> <p style="text-align: center;">(бешинчи қисм)</p> <p>шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириши – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>Била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш</p> <p>–</p> <p>беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Чиқариб ташланмоқда</p>	
<p>2.</p>	<p>116-модда. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик.</p> <p>Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртгача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p>	<p>“116-модда. Касб юзасидан ўз вазифасини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик</p> <p>Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртгача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача</p>	<p>ЖК 116-моддаси номини таҳлил қилиш натижасида, унда “касб вазифалари” тўғрисида сўз боришини ҳамда қилмишни жиноят, деб баҳолаш учун касб вазифалари бузилиши талаб қилинади, деган хулосага келиш мумкин. Ҳолбуки, касб вазифалари, деганда икки ёки ундан ортиқ вазифалар тушунилишини инobatга олсак, башарти айбдор битта касб вазифасини бузса ва бунинг натижасида тегишли оқибатлар келиб чиқса, қилмишни шу модда бўйича квалификация қилиб бўлмайди, деган табиий савол туғилади. Ушбу муаммони ҳал этиш қонун нормаси аниқ бўлиши ва унинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида ЖК 116-</p>

	<p><i>Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</i></p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлса, -</p> <p>икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача</p> <p>озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида:</p> <p>а) одамлар ўлимига;</p> <p>б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –</p> <p>беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки юз соатдан икки юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Чикариб ташланмоқда</p> <p>Ўша қилмиш:</p> <p>а) баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;</p> <p>б) шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши, – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки юз соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</p> <p>Ўша қилмиш эҳтиётсизлик орқасида:</p> <p>а) одам ўлишига;</p> <p>б) шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим</p>	<p>моддаси номидаги “вазифаларини” жумласини “вазифасини” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.</p> <p>ЖК 116-моддаси биринчи қисми диспозицияси тузилишида ижтимоий хавфлилик даражалари турлича бўлган ўртача оғир ва оғир оқибатлар бирлаштирилган. Бу эса турли ижтимоий хавфга эга бўлган қилмишларга бир хил жазо белгиланиши ва тайинланишига олиб келиб, одиллик принципининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунини инобатга олиб, ЖК 116-моддаси биринчи қисми диспозициясидаги жиноий оқибатлар сифатида ўртача оғир қисмини ножўя қилмиш (проступок) қаторига киритиш мақсадга мувофиқ.</p> <p>Кўплаб хорижий мамлакатларда тиббиёт ходимларининг ўз касбини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслиги учун жавобгарлик алоҳида моддада ўз аксини топган. Ўтказилган сўровнома ва суд ҳукмларининг таҳлили шуни кўрсатадики, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг салкам 94 фоизини тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган қилмишлар ташкил этади.</p> <p>Шуларни инобатга олиб, хориж тажрибасини таҳлил қилиб, тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган хатоларни аниқ таҳлил қилиш ва олдини олиш ҳамда ушбу қилмишларни судтергов амалиётида тўғри квалификация қилиш мақсадида ЖКга янги 116¹-модда</p> <p>“Тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги” киритилиши таклиф этилади.</p> <p>Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси тегишли қисми</p>
--	---	--	---

		<p>даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириши;</p> <p>в) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, – бир йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёки тўрт</p>	<p>таъсир доирасига тушади. Шуларни инобатга олиб, фикримизча, ЖК 116-моддаси 2-қисми шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юктириши,” ҳамда 3-қисми “б” банди “шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юктириши” деган қўшимча киритиш зарур ҳамда шунга мувофиқ ЖКнинг 113-моддаси бешинчи қисмини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.</p>
--	--	---	---